Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
31 сон
2 – 8 август, 2007 йил

# СИЗ ЎЗГАЧАСИЗ, ХОЛАЖОН!



Қадриятларимиз қадрланаётган ажойиб юртимизда кексаликка даст бермай яшаб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиб келаётган Тўхтамгул Турдиева (турмуш ўртоғимнинг холалари) Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Самарқанд маҳалласида яшайдилар. 72 ёшли холам бешик тўй, келин тўйларнинг ҳақиқий гули, ҳар бир жумлани чиройли талаффуз этадилар. Яна бир ажойиб бир хислатлари бор - мутлақо ғийбат, ман-манликка йўл қуймайдилар. Сумкаларида албатта доира билан биргаликда камида 4-5 та ривояту шеър китоблардан олиб юрадилар. У киши кирган ҳар қандай даврага файз киради қолади. Жозибали, ёқимли, ширали овозда лапарлар, лирик қўшиқлар, шеър ва ғазаллар айтадилар, беихтиёр кишини ўйга толдирадилар. Энг ажабланарлиси мутлақо мактабда ўқимаганлар.

Биз - келинлар, ҳамма таниш-билишлар у кишидан: "Бунча кўп ғазалларни ёддан қандай биласиз ёки бу китобларни "саводсиз" бўлсангиз қандай ўқиб чиқасиз", - дея ҳайратланиб сўраймиз. Гоҳида қизиқиш устунлик қилиб, ҳадис киобларидан бирини оламиз-да, хоҳлаган саҳифасини очиб, "Шу саҳифани ўқиб беринг, хола, яна бир эшитайлик", деймиз. Холам ўша жойига бироз қараб туради-да, шариллатиб ёддан айтиб кетадилар. "Биринчи синфда ўқийдиган набирам билан биргаликда алифбони ёдлаб олдим-да, ҳарфларни бир-бирига қўшиб ўқийдиган бўлдим. Хуллас, шу тарзда саводимни чиқариб олдим", - дейдилар холам. Гоҳида тўю маъракаларда тўрда оқ қушдек юзидан нур ёғилиб, жуда чиройли бўлиб ўтирадилар-да, ёш-ялангларга панд-насиҳат қилиш билан биргаликда ажойиб тарзда савоб-жавоб ўтказадилар. Ҳаммага китоб ўқитиб кўрадилар.

Ўқиётган киши бироз уқувсизлик қилса, ёки бир зум тин олса, ўша жойидан ёддан ўзлари давом эттириб кетаверадилар. Тўхтамгул холам қайнонам Ширингул момонинг опалари бўладилар. Қайнонам ҳам у кишидан кам бўлмаган санъат шайдоси, камсуқум, ўта ғайратли ва мард аёл. Қайнотам Шодмон бобо ҳам жуда ажойиб инсон эдилар. Афсус, яқинда қазо қилдилар. Жойлари жаннатда бўлсин. Шундай ажойиб инсонлар ўтиб кетаяптими, бу дунё бевафо эканлигини унутмайлик. Демак, қолган яхши қариндошларимиз, таниш-билишларимиз қадрига етайлик. Шу сабаблими, балки холам ҳақида ёзгим ва биздек ҳамма у кишига ҳавас-ла қарашларини истадим. У кишининг яна бир ажойиб хислатлари шундаки, халқона табобат сирларидан анча хабардорлар. Тўхтамгул холам ўз кечмишлари ҳақида шундай ҳикоя қиладилар:

- 1935 йил, Ўхим қишлоғида чавандоз оиласида дунёга келганман. Ота-онам тўрт боласи нобуд бўлгани учун менга Тўхтамгул деб исм қўйишган. Ўн ёшимда отажоним қазо қилганлар, сўнгра акам армияга кетган. Шу ёшимдан бошлаб кетмон кўтариб, далада 30 йил ишладим. Турмушимдан нолимайман, бахтли онаман, олти нафар фарзандим, йигирмата набирам, ўн иккита чеварам бор.




Яқинда бир қариндошимиз тўй қилди. Тўхтамгул холам эрта азонда бутун тўйхона аҳлини оёққа турғаздилар. Одамларга бош-қош бўлиб, ҳамма жойни бир пасда саранжом-саришта қилдиларки, ҳамманинг дили равшан тортди. Кечаги тўй чарчоқлари бир пасда унутилди. Ёки бир таъзия жойда бекорга йиғилишиб ўтиргунча, келинглар, биринг кетмонни ол, биринг помидор кўчатларини экаверинглар. Уй эгалари беморнинг юзига қараб анча ишлари ортга кетибди, дея худойигача ҳамма ишларни битказиб бердилар.

- Холажон, бундай хайр-саҳоватли ишларингиз жуда кўп. Сиз Макка-ю Мадина зиёратгоҳига бормадим, дея афсусланманг. Сиз аллақачон ўз юртимизда бизнинг назаримизда ҳожи она даражасига эришгансиз. Илойим, умрингиз узоқ бўлсин!

**Рохия АҲМЕДОВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Зафаробод тумани.**

# "ХИВАМИЗДАЙ ТАБАРРУКСИЗ, МОМОЖОН!"





Назира момо тўқсон ёшдан ошди. Аммо уни шу ёшида ҳам мутолаага берилиб ўтирганини кўрганлар ҳайрат ва ҳавас билан қарашади. Момонинг наздида китоблар инсон қалбини ёритади, яхшиликка, эзгуликка бошлайди. Эллик йилдан ошиқ адабиёт фанидан сабоқ берди. Шогирдлари орасида шоир, ёзувчилар ҳам бор. Собиқ ўқувчиси Эркин Зоҳидов "Хоразм фожеаси" хужжатли қиссасига дил сўзларини ёзиб, илк нусхаларидан бирини эҳтиром ила совға қилди. Раҳматлик таниқли шоира, ўткир қаламли журналист Уллибиби Отаева ҳам илк "Нашида" тўпламини қувона-қувона тақдим қилган эди. Унда адабиётдан сабоқ бериб, ижод оламига бошлаган устози Назира Отажоновага бағишлаб ёзилган шеър ҳам бор эди. Момо гоҳ-гоҳида ўзига аталган шу шеърдаги мисраларни эслайди:

***Меҳр тўла кўзларингиз***
***ўхшатаман онам кўзига,***
***Доно, ширин сўзларингиз қайси***
***қалбни тортмас ўзига.***

"Мени худди ўз онасидек яхши кўрар эди Уллибиби. Кўз олдимда ўсиб-улғайди. Вилоят газетасида ишлади, китоблари чиқди. Ижоди энди гуллаб-яшнаб турган пайти - эллик ёшга тўлиши арафасида ҳаёт билан видолашди. Илоҳим жойи жаннатда бўлсин!" - дейди Назира момо.

Назира момо чинакам адабиёт муҳиби, ихлосманди. Низомий номли Тошкент педагогика олийгоҳида ўқиган кезларини фахр-ғурур билан эслайди.

- Бизларга Фитрат домла ҳам машғулот ўтганлар, - эслайди момо. - Мен билан бирга Субутой Долимов, Музайяна Алавия, Мамарасул Бобоев каби таниқли олимлар, ижодкорлар ўқиганлар. Ўша пайтлари институтимизда Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода каби улуғ ижодкорлар билан қизиқарли учрашувлар бўлар эди. Китобларга дастхатлар ёздириб олардик. Адабиёт фанидан дарс берган чоғларимда, синфдан ташқари машғулотларда ўша нурли лаҳзаларни ўқувчиларимга завқ билан гапириб берганман.

Назира Отажонова умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлади. Меҳнатлари орден-медаллар, фахрий ёрлиқлар, "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" нишони билан муносиб тақдирланди.

Ҳаётнинг кўп заҳматлари, машаққатларини кучли ирода, сабр-тоқат, меҳнат билан енгди Назира момо. Тўрт фарзандини ҳам ота, ҳам она (умр йўлдоши Раззоқберган Абдуллаев ҳам маърифат чароғбони эди) ўрнида тарбиялаб камолга етказди. Қадамбой ўғли-муҳандис. "Жанубгазқурилиш" трестида ишлайди. Ботиржон - тадбиркор. Ойбиби - Хива тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгаши раиси.

- Йигирмадан ошиқ неварам, ўндан зиёд чеварам бор, - дейди Назира момо. - Бу дунёни бевақт тарк этган умр йўлдошим Раззоқберган, ўғлим Қодиржонларнинг қолган умрини шуларга берган бўлсин!

Бир гал эзгу хаёллар оғушида ўтирганида невараси Шаҳноза: "Моможон, сиз биз учун худди Хивамиздай табарруксиз", деди. Момонинг қалби қуёшдек ёришди, неварасини бағрига босиб, пешонасидан ўпди, дуо қилди: "Илоҳим, сенинг ҳам, элу юртимизнинг ҳам умри азиз, йўли равшан, ёруғ бўлгай..."

**Абдулла САФОЕВ**

# «АХБОРОТ АСРИ ҚИЗЛАРИ»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ Ривожланиш дастури ва қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси ва ташкилотчилигида Тошкент Ахборот Технологиялари университети Хотин-қизлар марказида 8 июлдан то 22 июлгача «Ахборот асри қизлари-2007» ёзги оромгоҳи фаолият олиб борди.

«Ахборот асри қизлари» лойиҳаси Ўзбекистоннинг энг истиқболли, етакчи қизларига ахборот технологиялари соҳасидаги малакаларини ривожлантириш ва жамоатчиликдаги етакчи вазифаларни бажариш имконини беришни кўзлайди. Лойиҳа саралаш танлови натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ярим финал босқичига 14 та иқтидорли, қобилиятли, етакчи фаол қизлар аниқланди.

Ахборот коммуникатив технологиялари ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. «Ахборот асри қизлари» лойиҳасининг асосий мақсади ахборот технологияларидан фойдаланишда юқори малака ва кўникмаларни эгаллаган ёш етакчи қизларнинг сафини кенгайтириш ҳамда уларнинг ўз мактаб жамоаларида етакчилик қобилиятларини ривожлантиришдан иборат эди. Ҳар бир машғулот ТАТУ компьютер синфида ўтказилди. Машғулот сўнггида эса қизларнинг ҳар бирига электрон қўлланмалар тарқатилди.

Қувонарли томони шундаки, ҳар бир қизнинг ўз олдига қўйган аниқ режаси бор: кимдир ўз шаҳрига қайтгандан сўнг АКТ бўйича олган билимларини ўргатиш ва кенг оммага тарқатиш учун 5-6 кишидан иборат гуруҳ тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, яна кимдир яшаётган жойининг атроф-муҳитини тоза сақлаш учун ўзининг ташаббускор гуруҳи билан иш олиб боришини айтди. Масалан, Асанова Динора «Менинг севимли дарслигим» мавзусида блок яратмоқчи бўлса, Раҳмонқулова Баҳора «Диктантлар оламида» йўналишида веб саҳифа яратмоқчи, Бержанова Агжибек эса Алия Хайрулина деган ногирон қизга компьютер билимларини ўргатмоқчи экан.

**Нигора УМАРОВА**

# ҚЎЛИ ОЧИҚ ИНСОНЛАР

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

**Дўстлик Жиззах вилоятининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган туман ҳисобланади. Туманнинг ҳар жиҳатдан вилоятда илғорлар сафида боришида эса хотин-қизларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Аёлларнинг илғор вакиллари билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик.**



**Насиба МИРЗАЕВА, Дўстлик тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

- Барча манфаатдор ташкилотлар қаторида хотин-қизлар қўмиталари томонидан ҳам аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза этиш, аёлларни иш билан таъминлаш, оналик ва болалик муаммоларини ҳал қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиб келинаяпти. Туманимизда амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ тадбирларда 100 нафардан зиёд тадбиркор, 30 дан ортиқ фермер аёлларимизнинг ҳам моддий, ҳам маънавий кўмагига таянамиз. Юлдуз Холматова, Гулсум Юзбоева, Бувражаб Бердиёровалар ана шундай қўли очиқ, саховатни дилига жо айлаган опа-сингилларимиз сирасига киришади.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳам ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шуни яхши англаган ҳолда 2006 йилда 500 нафарга яқин аёлларни ўзларига мос доимий ва мавсумий иш билан таъминлашга эришдик. Дўстлик шаҳрида балиқни қайта ишлаш корхонаси очилгач, 100 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Бу йилнинг ўтган даврида ҳам мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириб, 200 нафардан ортиқ опа-сингилларимизни ишга жойлаштирдик.

Айни кунларда эса Президентимизнинг **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони асосида бир қатор тушунтириш ва амалий ишларни олиб бормоқдамиз. Жумладан, масъул идоралар, банкларнинг туман бўлимлари, ФХДЁ, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокида жойларда учрашувлар ўтказишни бошлаб юбордик. Уларда ота-оналарга, ёш оилаларга, турмуш қуришга аҳд қилган йигит-қизларга Фармоннинг мазмун-моҳияти, яратилаётган имконият ва имтиёзлар атрофлича тушунтирилиб, уларнинг саволларига батафсил жавоб берилаётир.

**Доногул ЎРОЛОВА, тумандаги "Янгиобод" ҚФЙ маслаҳатчиси:**



- Бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинимиз ўрамида 60 дан ортиқ кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳамда 40 нафардан зиёд ногиронлар бор. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборимизда. "Эшниёз бобо" фермер хўжалиги раҳбари Муртоз Бўтаев бу борада биздан ёрдамини аямайди. У киши ҳар йили 6-8 та кам таъминланган оилага ўз ҳисобидан буғдой тарқатади. Бир тадбиркор қизимиз эса бизга иқтисодий аҳволи ночор оилаларнинг қизларини бепул ўқитиш ниятида эканлигини айтиб, ташаббус билан чиқди. У 15 нафар қизларни уч йўналиш бўйича касб-ҳунарга ўргатди. Шу кунларда эса яна 10 га яқин қизларни унга шогирдликка беришни мўлжаллаб турибмиз.

Хотин-қизларга тадбиркорликни, касаначиликни йўлга қўйиб олишлари учун имтиёзли кредитлар берилаётгани ҳам қўл келаяпти. Мавлуда Ўролова, Холида Лаълибоева сингари бир неча аёлларимиз ана шундай кредитлар ҳисобига паррандачилик билан шуғуллана бошлашди.

Спортни ривожлантиришга эса туман прокуратураси катта ёрдам бераяпти. Улар бизга доимий равишда спорт кийимлари олиб беришади. 34-мактаб қошидаги кураш тўгарагига ҳам керакли жиҳозлар туман прокуратураси томонидан таъминланди. Хотин-қизларнинг туман спартакиадасида фаол иштирок этиб, спортнинг бир қатор турлари бўйича совриндор бўлдик.

**Бувражаб БЕРДИЁРОВА, тумандаги Холхўжаев номли маҳалла маслаҳатчиси:**

- Мен маҳалла маслаҳатчиси бўлиш билан бирга "Адашхон" фермер хўжалигига раҳбарлик ҳам қиламан. Табиийки, маҳалламиздаги ўзига тўқ, иқтисодий имконияти етарли инсонларни, фермер ва тадбиркорларни кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш тадбирларида фаол иштирок этишга даъ-



ват этишдан олдин ўзим бу борада шахсий намуна бўлишим керак. Йилимиз яхши келиб, буғдойдан мўл ҳосил олдик. Ўзимизда қолган буғдойдан бир неча ночор оилаларга 200-250 килограммдан тарқатдик. Фермер хўжалигимиз тасаруфида чойхона, дўкон ва тўйхона очиш арафасида турибмиз. Насиб қилса, мана шу тўйхонамизда эҳтиёжманд оилаларнинг яхши кунлари - тўйларини беминнат ўтказиб беришни йўлга қўямиз, деб ҳозирдан ният қилиб юрибмиз.

110 дан зиёд кам таъминланган оила, бир қанча ногиронларимиз бор. Ҳудудимиздаги 6 та шахсий тегирмон, 7 та шахсий дўконлар эгалари ва бошқа фермер ҳамда тадбиркорларимиз билан мунтазам равишда уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, ёрдам бериб турамиз.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**



# ДЕНОВЛИК БИР ОИЛА

Ажабо, яхшиларни йўлда ҳам, чўлда ҳам учратиш мумкин, деганлари рост экан. Тошкент яқинидаги «Ботаника» сиҳатгоҳида уч киши алоҳида эътиборимни тортди. 65 ёшлардаги соғлом, бақувват отахон, ёнида бошига каттагина дурра ташлаган, икки бети қип-қизил, хушсурат кампири ва ўттиз ёшлардаги сулув қиз. Уччовининг ҳам кўзлари кулибгина туради, ҳамма билан самимий сўрашиб ўтишади. Тортинибгина, беозор қадам ташлашади. Атрофда савдо-сотиқ ташкил қилинса, уларни кўпроқ газета-журналлар, китоблар растасида кўраман. Санъаткорлар, полвонлар ташрифини битта қолдирмай, ҳаяжон билан томоша қилишади. Мен уларнинг кўзларида ҳар гал ҳаёт нашъасини кўргандек бўламан...




Кечки ҳордиқда бир куни атай уларнинг ёнларидан жой олдим. Сурхондарёнинг Денов туманидан келишибди. Қўшбоқ ота Эшқобилов бир зумда қулфи дили очилиб, суҳбатга кириб кетади. Зарҳал хола билан Жангилхон жилмайибгина қулоқ солишади.

- Шофёр бўлганман. Бир умр катталарни олиб юрганман, - дейди Қўшбоқ ота кўзлари қувончга тўлиб.

**- Қанака катталар?**

- Райкомимиз биринчи котибини, кейин вилоят котибларини-да! Мустақилликдан сўнг ҳокимларни олиб юрдим. Ҳозир пенсиядаман. Лекин қай бири билан учрашиб қолсам, машинадан атай тушиб, қучоқ очиб кўришадилар. Ҳурмат қиладилар. «Бизга нима хизмат бор, Қўшбоқ ака», деб сўрайдилар. Ўз вақтида иззатларини жойига қўйиб, яхши хизмат қилганман-да!

**- Эрта кетиб, кеч қайтиб, рўзғору фарзандлар тарбиясини Зарҳал аямга ташлаб қўйган экансиз-да!**

- Зарҳал аянгиз бебаҳо! - Қўшбоқ ота кампирига меҳр билан қараб қўяди. - Уйим-жойим, болам-чақам, деган аёл. Биласиз, катталар, айниқса пахта вақтида ярим тунда уйга қайтишарди. Қай вақт келсам ҳам аянгиз гул-гул очилиб кутиб оларди. Иссиқ таом, қайноқ чой қўярди. Лекин... Мана, ўзи айтсин, бозор-ўчар қилиб беришга вақт топганман. Болалар тарбиясини ҳам унутиб қўймаганман. Саккиз ўғил-қизнинг ҳаммасини ўқитдик, турмушга бердик, уйлантирдик. Бирontasining орқасидан гап эшитмадик. Саодатхон, Зебохон, Дилбархон қизларим ўқитувчи. Сайёрахон қизим болалар шифокори. Дилоромхон қизим билан манов Жангилхон ҳамшира. Шукр, яратган эгам ўғиллар ҳам берган. Зокирбек Денов ёғ заводида ишлайди. Дилмурод фермер. Набиралар бир ҳовли.

Чолининг гапларини маъқуллаб ўтирган Зарҳал аяга савол бераман.

- Менми, колхоз кутубхонасида ишлаганман, - дейди у аста сўзлаб, - уч минг 200 та китобим бор эди. Китобхонларим ҳам кўп эди. Ўзим ҳам мазза қилиб китоб ўқирдим. Қизларимни ҳам китобга қизиқтирдим. Институтларда ўқитдим. Чеварликни, пазандаликни ҳам ўргатдим. Кам бўлишмади.

**- Қизларингиз тушган жойида тиниб-тинчиб кетишдими?**

- Шукр, ҳаммаси яхши. Ҳов бир йили мана шу Жангил қизим бир аразлаб келувди, яхши кутиб олмадим, тинмай ишга буюрдим, оғир юмушларни қилдирдим. Икки кундаёқ уйига кетиб қолди. Шу-шу фақат меҳмон бўлиб келади. Келинларим Ферузахон, Нигорахон ҳам менинг йўлимга юриб, опа-сингилдек яшашади. Бири хамир қорса, иккинчиси ёпади. Мен ўзим катта рўзғорга келин бўлиб тушганман. Бир пиёла чойни хотиржам ўтириб ичмаганман. Мана энди десангиз роҳатини кўраяпман. Айтмоқчи, куёвларим ҳам худди ўз ўғлимдек. Абдумурод, Иброҳим, Тўрамурод, Чоршанби, Ибройим, Абдурайим - ҳаммаси ўқимишли, касб-корли.

Жангил жуда камгап экан. У диспансерда ишлашини, уч фарзандининг тоғаларидек, боболаридек ҳурматли кишилар бўлишини орзу қилаётганини айтди, холос. Ҳа, у сиҳатгоҳда дам олиш, даволаниш жуда маъқул келганини ҳам сўзлади...

Мен булар билан суҳбатлашиб, қанчалар баҳра олганимни билсангиз эди? Мана шундай яхши, беғубор одамлар, фаровон, бахтли оилалар кўп бўлсин, илоҳим ва биргалашиб, яйраб дам олиш насиб этсин, насиб этсин!

**Санъат МАҲМУДОВА**

# ОКОПДА ЯНГРАГАН ДУТОР

Қўшним Юсуп ака ўта камтар, меҳнаткаш, дилкаш одам. Умр бўйи заводда оддий ишчи бўлиб ишлаган. Уруш йиллари эса фронтда, окопда бўлган, разветкага борган, маршал Гречкога шахсий соқчи сифатида Қримни озод қилишда қатнашган. Ҳатто Берлингача борган. Қўша-қўша орденлар уни оддий ишчиликдан юқорига кўтара олмаган.

Маҳаллада тўй-хашам, аза бўлса — бош-қош, одам кутади, фотиҳа қилади, одамларга илтифот кўрсатади.

Бир кун ажойиб учрашувнинг гувоҳи бўлдим. Машҳур ҳофиз Муҳаммаджон Каримов дуторчи ҳамроҳи (тенгдош киши эди, афсус исмини билмайман) билан маҳалламизда тўйга келди. Юсуп ака ҳар галгидек - хизматда. Меҳмонларга чой узатади, ош тарқатади.

Бир вақт, дуторчи билан Юсуп ака бир-бирларига тикилиб-тикилиб қараб қолишларига кўзим тушди. Ҳар иккови бир-бирини синовчан кузатар, нимадир демоқчи бўлишарди.

Қўшиқлар орасида Юсуп ака дуторчига чой узатиб: "Урушда бўлганмисисиз?" - деб сўраб қолди. Кейин қайси фронтда, қайси армияда, кейин дивизия ва полкларни эслаб, тўсатдан бир ротада хизмат қилганликларини билиб қолишди. Командирларни, жанг майдонларини эслашди, бирга хизмат қилган сафдошларини хотирлашди. Шу ҳаяжонли учрашувда кичик эпизод мени лол қолдирди.

Дуторчи урушга дуторини олиб кетган экан. Жанглар тўхтаганда, дутор чалиб, кўнгилларини бўшатар экан.

Бир куни окопда дуторчи ўз асбобини чертаётганда, командирлардан бири югуриб келиб, дуторини тортиб олибди, маст-аласт ҳолда дуторчини отиб ташлашни буюрибди. Сабаби—гўё дуторчи куй орқали душманга ҳарбий сирларни етказаётган эмиш.

На дуторчи, на юртдошлари русчани эплаб гапира олмас эканлар, командирга гап уқтира олмабдилар. Овози 40-50 метрга зўрға етадиган дутор - гармон эмаски, ёки балалайка эмаски, немисларга эшитилса. У ҳам майли, дутор бечора қандай қилиб ҳарбий сирни бера олсин?..

Дутор оҳангига муштоқ бўлган бошқа миллат солдатлари - татарлар, кавказликлар ўртага тушиб, командирни шаштидан қайтаришибди. Ниҳоят командир дуторни қайтиб берибди. Ҳатто, кейинчалик ҳеч ҳам монелик қилмабди. Дутор уни ҳам эритибди.

Сал бўлмаса, бекорга отилиб кетиши мумкин бўлган дуторчи эсон-омон уйига қайтган, узоқ йиллар Муҳаммаджон ҳофиз билан халқимизни хушнуд этган. Ва салкам 50 йилдан сўнг ўз қуролдош дўсти билан тасодифан учрашиб қолган.

Дутор фронтда ҳам, автомат каби жангчига ҳамроҳ бўлган, ўз қуролига содиқ дуторчи уни урушнинг охиригача ардоқлаб чалиб келган.

Эҳтимол, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабада ўзбек жангчиси дуторининг ҳиссаси бўлса, ажаб эмас.

**Анвар ТОЖИЕВ**

*Газетхон—газета ва ҳаёт ҳақида*

# СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ

Мен бир неча йиллардан бери Ғиждувон шаҳридаги Ахборот ресурс марказида (марказий кутубхонада) ишлаб келмоқдаман. Иш давомида жуда кўп китобхонлар келишади. Айниқса тиббиёт коллежининг талабалари энг фаол китобхонларимиз ҳисобланади. Туманда бўладиган барча тадбирларда доимо қизлар қатнашадилар. Коллежнинг I-курс талабаси Зуҳро Раҳматова жуда ҳаракатчан. У шеър, мақолалар ёзиб туради. Коллеж қизларига "Оила ва жамият" газетаси ҳақида гапириб, ушбу нашрга уларнинг ҳам қизиқишларини оширди. Зуҳра бир куни менга ўзи ўқиётган тиббиёт коллежи ҳақида газетага ёзиш нияти борлигини айтиб, қораламаларини ўқиб, фикр билдиришимни айтди. Қуйида унинг ёзганларини диққатингизга ҳавола этмоқдаман:

"Тиббиёт коллежида тартиб-интизом жуда яхши йўлга қўйилган. Спорт зали, кутубхона, ошхона дид билан жиҳозланган. Директоримиз Мурод Мухторов биз ёшларнинг барча талаб ва истакларимизни бажарадилар. Шунинг учун ҳам «Шунқорлар», "Ўзбекистон Ватаним маним", "Конституция - бахтимиз пойдевори" каби танловларда ғолибликни қўлга киритдик. Биз гуруҳимиз қизлари билан доимо кутубхонадан "Оила ва жамият" газетасини олиб, ўқиб турамиз. Газетада бериб борилаётган "Соғлиғимиз - бойлигимиз" рукни остидаги фойдали маслаҳатлар биз бўлажак шифокорларга жуда ҳам зарур ва улардан фойдаланишимиз лозим, деб ўйлаймиз»...

**Марзия ФАТТОЕВА**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ




## III. Зирапча

Келин-куёвлар, қуда-андалар ўртасида бўлиб турадиган кўнгилсизликлар, гап-сўзлар, ур-сурларни таҳлил қилиб чиқиш шу нарсани кўрсатадики, аксарият ҳолларда, қуда-қудағайлар жанжалнинг асл сабабини, туб моҳиятини эътибордан четда қолдириб, улардан келиб чиққан аччиқ-аразлар, санманга боришлар, таҳқирлашлар, сўкиш-уришлар ҳақида бахслашишга тушиб кетадилар: "У унақа деди, мен бунақа дедим, у унақа қилди, мен шунақа қилдим, у мени ҳақорат қилди, урди, мен ҳам уни қарғадим, юмдаладим..." ва ҳоказо. Оқибат-натижада иш баъзан ажралишгача бориб етади. Аммо на келин томон, на куёв томон келишмовчиликнинг асл сабабини хаёлларига келтирмайдилар ёки унга етарли аҳамият бермайдилар. Ҳолбуки, жуда кўп воқеаларда кўнгилсизликнинг туб сабабини бартараф этиш билан икки ёшнинг асал турмушини, қантдек ҳаётини соғлом изга солиб юбориш мумкин бўлади. Буни образли қилиб тушунтирадиган бўлсам, мана шу "асл сабаб" этга кирган зирапчага ўхшайди. Одамлар, шулар жумласидан, қуда-андалар шу "зирапча"ни олиб ташлаш ўрнига ундан юзага келган, унинг атрофига тўпланган маддаларни, йирингларни, рутубатларни йўқотмоқчи бўладилар: уларни артиб-тозалайдилар, йирингини ситиб чиқарадилар, дори-дармон қиладилар, даволамоқчи бўладилар.

Бироқ бу чора-тадбирларнинг фойдаси узоққа бормайди. Орадан қанчадир вақт ўтиши билан "зирапча" яна қайта маддалайверади, фотос бойлайверади.

...Раъно ўзи ёқтириб, ўзи хоҳлаб турмушга чиққач, кундузи кўрпачадошини, кечаси тўшакдошини арзир-арзимас нарсаларда ҳам беҳурмат қила бошлади. Эрига бутунлай "санамас-ман" деган мақомда муомала қилишга ўтиб олди. Масалан, эр: "Кўйлагингнинг этаги тиззангдан юқорида эмас, пастроқда турсин", - деса Раъно: "Юқорига турса нима қилади?" - дейди. "Жинси шимингни энди кийма, "орқангни" дўппайтириб чиқариб юрма, мен уяламан", деса у: "Ҳамма аёллар шунақа қилиб юрибди-ку, нега сиз уяласиз?" - дейди. Эр: "Туфлиларинг пойафзал жавонига сиғмай кетди, ҳадеб олаверасанми?" - деса, Раъно: "Нега олмас эканман? Пулни ким учун топяпсиз? Битта хотинингизга ҳам шуни раво кўрмас экансиз?!" - деб хархаша қилади. Ҳалимжон бир куни хотинига: "Овқат қилишни ўрганиб ол",-деса у: "Нима, овқат қилишни билмаяпманми? Овқатларим сизга ёқмаяптими? Нега ёқмайди?" - дея жавоб қилди ва тумтайиб олди...

Яна бир куни Раъно: "Мен сизнинг турсигингизни ювмайман, ўзингиз ювинг!"-деди. Эри Ҳалимжон бунга ҳам кўнди. Хотини наридан-бери тайёрлаб келтирган овқатларни индамай ейдиган бўлди... Муроса қилиш керак-ку, ахир...

Қўшни келинлар эрталаб соат 5-6 ларда туриб, иш-юмушларини саранжом-саришта қилиб олганларида у эндигина ёстиқдан бош кўтариб, юз-қўлини ювишга тутинар эди. Эрига нонушта тайёрлаб, тезроқ ишига жўнатиб юборишни эса хаёлига ҳам келтирмасди.

Раънонинг асли табиати шунақа эдими ёки у буни атайлаб қилар эдими, тажрибасиз эри тушуна олмай гаранг эди...

Нима эмиш: "Эрнинг айтганларини қилаверсанг, бошингда ёнғоқ чақар эмиш". (турмушга бўлган дунёқарашнинг бузуқлигини кўринг!!!) Ҳалимжон эса табиатан бунақа куёвлар тоифасидан эмас эди. У ақлли-ҳушли, ўйлаб иш қиладиган, фикрлаб гапирадиган, ҳамма нарсани, ҳамма ишни ўз тарозисига қўйиб бажарар эди. Шу сабабли у идорада нуфузли лавозимда ишлар эди. Хотини Раънонинг эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ унинг устига чиқиб олиш мақсадида бўлса керак, ҳар гапда унга сакраши, афтига сапчиб туриши бора-бора Ҳалимжоннинг иззат-нафсига тегди. Асаббузар ҳар қандай ғиди-бидилар ахири одамзод жонига тегади-да.

Эр шунда билдики, яна бир-икки йилдан кейин хотини унинг бўйнига тизгин солиб олиши тайин! Нима қилиш керак?! "Ҳой!" - деди, хотин қулоқ солмади, сўкинди - гапдан қолмади. Раъно гап қайтаришда, ўжарлик қилишда давом этаверди. Бир куни нима бўлди-ю, ўзидан чиқиб кетиб, хотинига тарсаки тортиб юборди! Бўлди ҳангома, битилди жангнома! Хотини шу заҳотиёқ эшикларни қарс-қурс қилиб бекитиб-очиб, чиқиб кетаркан, кўпам ўтмай ота-онасини бошлаб келди. "Куёвингиз мени сўкди, онангни... деди. Нега сўкасиз, мен нима ёмонлик қилдим, десам: "Нега сўзимга кирмайсан?" дейди. Сўкканингиздан кейин гапингизга кирмайман-да, десам, урди, қўлинг сингур!" - дея хархаша қилди. Юраги ачишиб кетган қайнона эса Ҳалимжонга: "Қўлингиз чиқиб қолибдими, куёв?! Яккаю ягона қизимга қўл кўтарадиганларга кўрсатиб қўяман!"- деди титраб.

Орага совуқчилик тушди. Ҳалимжоннинг юраги муздек бўлди. Одатда, эр-хотин бир-бирларининг гап-сўзларини, улар қанчалик аччиқ бўлмасин, кўтариб, кечириб кетишлари мумкин, аммо куёв қайнона билан қайнота зардасини кўтара олмайди. Анчадан бери хотинининг заҳар гапларидан паймонаси тўлган Ҳалимжонга қайнонасининг бу гапи устига устак бўлди. У ҳеч тап тортмай: "Мен ажрашаман! Ҳа, қизингиз билан мен яшамайман эмас, яшай олмайман!" деб юборди. Қайнона билан қайнота бу юмшоқ куёвидан буни кутишмаган экан, иккаласи ҳанг-манг бўлиб қолишди. Орага сукунат чўмди. Иш қўйди-чиқдига бориб етиши уларнинг хаёлларига ҳам келмаган эди. (Кўп воқеаларда шундай бўлади.)

Қайнота қараса, пичоқ суякка бориб қадалибди. Нима қилиш керак?! У ўзини босиб олиб, шу билан хотинини ҳам, қизини ҳам босиб туриб секин гап бошлади: "Ҳалимжон, нима қилар эдингиз сўкиб, қўл кўтариб? Ахир бу замонда сўкиш, уриш кечириб бўлмас жиноят-ку! Бир қусур бўлиб ҳомиласи тушганда, нима бўларди?! Бу уриш-жанжаллар ҳолва бўларди-ку. Ана ундан кейин кўринг эди, ғалвани!" - деди ҳам пўписа қилган бўлиб, ҳам бости-бости қилмоқчи бўлиб.

Ҳалимжон илгариги жанжаллардагидек бу гал ҳам ёлғизлик қилиб қолди. Ота-онаси, ака-укалари қишлоқда, булар эса туман марказида яшар эдилар. Шундай қилиб, навбатдаги учинчи жанжал-сурон ҳам ярашув билан якун топди.

Жуда яхши! Лекин ҳеч ким жанжалнинг боши - асл сабабчиси бўлган Раънонинг эр сўзига кирмасликдек қайсар феъли ҳақида бош қотирмади. Ота-она-да! Ота-она ҳамиша қизининг номаъқулчиликларини ё билиб, ёки билмай уни жанжалда бош масала қилиб кўтариб чиқмайди. Ҳозирги воқеада эса Ҳалимжон ўзининг бўш-баёв феъли-атвори орқасида яна: "Нега қизингиз менинг сўзимга кирмайди? Мен уни ёмон бўлгин деяётганим йўқ-ку!" - деган ҳақиқатни бaралла айтишдан ор қилиб қолаверди.

Хотини ҳар галгидек бу гал ҳам жанжалдан қуруқ чиқди. Ҳалимжон эса сўккани учун, қўл кўтаргани учун айбдор бўлиб қолаверди. Ур-сурни келтириб чиқарган асл сабаб - "зирапча" эса назардан четда қолиб кетди. Ота-оналар аксарият шундай: сабабга қараб эмас, оқибатга қараб ҳукм чиқаришга одатланиб кетганлар. Ҳолбуки, бу воқеада келин бўлмиш Раънохон эр сўзига хўп деса, айтганини қилса, олам гулистон, турмуши бўстон бўлар эди...

Майли, вақт ҳакам, ҳаёт бир кам. Раънохон билан Ҳалимжон ҳам бахтли бўлиб қўша-қариб кетади. Бироқ аёллар бор экан, эр сўзига кирмасликдек ўжарлик унда-бунда қулоққа чалиниб тураверади. Шунга қарамай, аёлларга таъзим!

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# ОНА КЎЗИН ЁШЛАМАНГ

- Биласизми, фарзандимнинг, аниқроғи, ақлини таниган, ўғил-қизли, маълумотли, касбу корига эга бўлган қизимнинг менга бўлган муносабати қийнаяпти,- дея сўз бошлади ўзини Зумрадхон деб таништирган хоразмлик онахон. - Ота-онамдан икки укам билан эрта етим бўлиб қолдик. Тоғаларимнинг қўлида катта бўлдик. Яширмайман, янгаларим онамнинг ўрнини босолмади, ҳаётда кўп қийналдим. Ана шундай пайтларда бор кучимни ўқишга сарфладим. Аввал мактабни олтин медал билан, кейин институтни имтиёзли диплом билан битирдим. Ўзимизнинг туманга келиб иш бошладим. Тенгим чиқди, қариндошлар маслаҳатлашиб, турмушга узатишди.

Турмуш ўртоғим жуда яхши инсон эди. Қайнота-қайнонамдан ота-онамдан кўрмаган меҳрибонликларни кўрдим. Вақт ўтиб уч қизлик бўлдик. Кенжа қизим бир ёшга тўлганда, эрим автоҳалокат оқибатида оламдан кўз юмди. Ҳаётнинг бу зарбасидан анча гандираклаб қолдим. Қийинчиликнинг бари кейин бошланди. Бир ёқда учта ёш бола, бир тарафда рўзғор, қайнота-қайнона, иш...

Оллоҳ менга сабру тоқат билан бирга ғайрат, куч-қувват ҳам бериб турди. Ишда мартабам ошди, колхозга раис этиб тайинландим. Доим эл назарида бўлдим. У пайтлар йиғим-терим мавсумида оила деган нарсани бир четга суриб қўйиш керак эди. Лекин мен вақт топдим дегунча, уйга бориб ўзим болаларимнинг кирини ювиб, нонини ёпиб келардим. Қайнонам раҳматли мени доим қўллаб турардилар. Баъзан йиғилишларга юзимдаги қора куялар билан борган пайтларим ҳам бўлган.

Бирин-кетин қизларим катта бўлди. Ўқитдим. Турмушга узатдим. Ҳаммаси жой-жойини топиб кетди.

**- Ибратли умр йўлингиз бор экан, онажон...**

- Бугунги кунда роҳат-фароғатли кун кечириш учун ҳамма имкониятлар бор. Аммо катта қизимнинг феъл-атвори ўзгарганини кўриб, қаттиқ ташвишга тушаяпман.

**- Катта қизингизнинг феълатвори ёшлигида қандай эди?**

- Болалигидан менинг жонимга оро кирадиганим шу - Улжон эди. Балоғат ёшида ҳам, турмушга чиққанида ҳам мен бошқалардан кўра унга суянар эдим.

Лекин уч-тўрт йил олдин куёвим тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Улар мисли кўрилмаган даражада бойий бошлашди.

Кенжа қизимнинг эса болалари кўп, бир оз қийналиб рўзғор тебратишади. Шу сабабдан, бир пайтлар Улжон қизимга ёрдам сифатида бериб қўйган пулимни сўрадим. Ўша пулни томорқамизда нўхат экиб йиққандим. "Энди сизларнинг имкониятларингиз кўпроқ, синглингга озроқ ёрдам бўлсин",- деб сўраган эдим. Шундан кейин қизимнинг ҳам, куёвимнинг ҳам менга нисбатан муносабати ўзгарди. Ўзи йўқлаб келмайдиган, борсам хушламайдиган бўлиб қолишди.



Улар Урганч шаҳрида яшайди, мен қишлоқда. Баъзан юрагим эзилиб телефон қилсам, набираларим олади-да, бир оздан сўнг, "Онам ухлаяпти", деб гўшакни қўйиб қўйишади. Бир куни телефонни олмагунча чақириб туравердим. Анча вақт ўтиб: "Ҳа, нима?"-дея совуқ оҳангда гапирди. "Шундай ўзим, соғинувдим",- десам, "Шунгаям телефон қиласизми?", деса бўладими? - Онахон шу гапини айтиб йиғлаб юборди. Сўнг яна гапиришда давом этди: - Ўша куни биринчи марта қон босимим ошиб кетди. Юрагим санчий бошлади.

**- Наҳотки биргина пул масаласи уни шунчалик ўзгартирган бўлса?**

- Бошида мен ҳам шунга ҳайрон бўлдим. Ўша пулдан кечиб юборгим ҳам келди. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрсам, аслида қизимни аллақачоноқ бойлик "йўлдан ура бошлаган", бир менга эмас, кўпчиликка нисбатан манмансирай бошлаган экан. Сингиллари ҳам унинг муомаласидан ранжиброқ гапиришди. Болам-да, бир куни соғиниб уйига бордим. Ишонасизми, (онахон пиққилаб йиғлай бошлади) ҳовлидаги сўрида икки кун бир ўзим ётдим. Қизим кундузи, ишим бор, деб кўчага чиқиб кетади. Кечаси ҳовлида бир ўзимни қолдириб, ичкарига кириб кетади. Ҳатто жойимни ҳам солиб бермайди. Эри эрта кетиб кеч келади. Болалари мактабда, институтда... Улар ҳам мендан ўзини тортадиган бўлиб қолишди.

Бир куни уйига меҳмон келиб қолувди, ичкарида роса базм қилишди. Бир оғиз киринг дейиш қаёқда, кетаётган меҳмонлардан бири мени кўриб қолувди, қизим,- қишлоқдан меҳмон келган,-деб қўя қолди, холос.

Ўша куни уникидан чиқиб кетдим. Шундан бери орадан 4 ой ўтди. Бир марта ҳам суриштириб келгани йўқ ё қўнғироқ қилиб сўрагани йўқ. Бошқа қизларим, набираларим олдимда, лекин унинг жойи бошқа, нима қилай, соғинаман. Мен ҳам вақтида раҳбар бўлганман, бой бўламан десам, имконим қўлимда бўлган. Лекин иймонимни йўқотмаганман, кибру ҳавога берилмаганман. Шунинг учун ҳозир ҳам маҳалла, қишлоқда обрўйим яхши, ҳурмат-эъзоздаман.

Меҳр кўзда,-дейдилар, мендан узоқдалиги учун оқибатни йўқотдимикан? Ундай деса, йўли ҳам, ёши ҳам мендан узоқлаша бошлагани билан менинг меҳрим сусайтмаган-ку?! Ахир мен уни отасининг ўрни билинмасин деб, оқ ювиб оқ тараб катта қилганимнинг мукофотими бу? Кечалари билан ўйлаб чиқаман, уйқуларимни йўқотдим. Яна ўзимга ўзим таскин бераман — ёшлик қилаяпти-да, бир куни ҳаммасини тушуниб етади, дейман. Лекин ҳаммасини тушуниб етган ўша чоғда мен бўламанми, бўлмайманми?

Онахоннинг гоҳо йиғлаб, гоҳо ўз-ўзига таскин бераётгандек гапириши мени ниҳоятда ҳаяжонлантирди. Яқинда онаизоримни йўқотганим учун бу сўзларни тинглаш мен учун жуда оғир эди.

Бир куни онам мени кўриш учун шаҳарга келган эдилар. Шунда онамнинг келганини эшитган бир ҳамкасбим: "Тезроқ уйингизга бормайсизми. Агар менинг онам тирик бўлса-ю, бирровга келган бўлса, асфальт йўлини шиша синиқлари билан тўлдиришган бўлсалар ҳам оёқяланг чопиб борган бўлардим, онамнинг олдига",- деганди. Ўша пайтда бу гапнинг таъсир кучини унчалик ҳис этмаган эдим. Бугун эса онам меҳмон бўлиб келганларида ўтирадиган уйимнинг тўри бўм-бўш...

Зумрадхон опанинг қизи Улжонга айтар сўзим — кўзингизни каттароқ очинг. Дунёда энг муқаддас зот—онаизорингиз кўнглига қилча озор беришингизнинг ўзи одамийлик дунёсига номуносиблигингиздир.

Оналаримиз ғанимат, оталаримиз ғанимат, дунё ғанимат. Буни эсдан чиқарманг.

**Азиз юртдошлар! Зумрадхон онага, унинг қизига айтар сўзингиз борми? Фикрларингиз билдирилган мактубларни кутиб қоламиз.**

Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА

*Қўнғироқларингиз...*

# ТОҒАМНИНГ КЎНГЛИДА МЕҲР ЙЎҚ!

- Ассалому алайкум! Сизларга бувимнинг уйидаги воқеаларни айтиб маслаҳат сўрамоқчи эдим. Исмим Гулҳаё, ҳали мактабда ўқийман, - дея гап бошлади қиз.

**- Бувингизнинг уйида нималар бўлди?**

- Бошидан гапирсам майлими? Бўлмаса тушунтира олмаслигим мумкин.Бувамнинг вафотидан сўнг, иккита тоғам ҳам бирин-кетин вафот этишди. Яна иккита тоғаларим бор... Биз ҳали кичик пайтимизда каттаси, Собир тоғам уйлангач, қайнонасининг уйига кўчиб чиқиб кетганди.

Орадан анча вақт ўтди. Кичик тоғам ҳам ер олиб уй қура бошлади. Битказгач, кўчиб чиқиб кетди. Бувимнинг ёлғиз қолганини кўрган катта тоғам бувимникига яна қайтиб келди. Унинг иккита ўғли бор. Собир тоғам кўчиб келгач, бувимни пастак, зах хонага кўчириб қўйишди. Шундан сўнг бувимнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Охири ётиб ҳам қолдилар.

**- Кейин-чи?**

- Биз бувимни уйимизга олиб келдик. Онам ва отам бувимни яхши шифокорларга қаратишди. У киши соғая бошлади. Кейинчалик бемалол ҳассасиз юра бошлади.

**- Сизлар олиб келганингизда ҳасса билан юрармиди?**

- Ҳа, шунда ҳам аранг қадам босарди. Бувимга яхши таомлар тайёрлаб бериб, у кишининг кўнглини олардик. Кексаларга ширин сўз керак дейишгани рост экан. Бувим шундай қувонардиларки, беихтиёр кўзларига ёш келарди. Шундай қилиб анча вақт ўтди. Кейин эса... Ҳаммамизнинг кўнглимизни хижил қиладиган воқеа юз берди.

**- Қандай воқеа экан?**

- Бир куни тоғам важоҳат билан кириб келди. Сўнг бувимга қараб:

- «Ойи, туринг, уйга кетамиз! Бўлар, диққинафас «дом» да шунча яшаганингиз»-дея бувимни кийинишга ундай бошлади.

**- Бувингиз кетдими?**

- Бувимнинг кўзларига ёш келди. Кетгиси келмаётганди. Лекин тоғам зўрлайвергандан кейин бувим кетишга мажбур бўлди. Бувижоним кетганларидан сўнг уйимиз ҳувиллаб қолгандек бўлди. Бир ойлардан сўнг бувимни кўргани борганимизда у киши яна ётиб қолган эканлар.

**- Нега, яхши қарашмаптими?**

- Юрмай, яна ётиб қолганларига ҳайронмиз. Бувимга овқатни фақат тоғам пиширади. Лекин кекса одамга овқатдан ҳам кўпроқ меҳр керак-ку! Онам эса ҳар ҳафтада бориб чўмилтириб келади, кийимларини ювиб беради. Бувимнинг кенг уйида яйраб яшаб юришибди-ю, бувимни нега хор қилишади? Отам жуда оқибатли инсон-да. Бувимнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Бизни ҳам бориб туришга ундайди.

**- Бувингизни яна олиб келмабсизлар-да...**

- Олиб келишга тоғам қўймайди-да. Борган сари мазаси қочаяпти. Онам эса ҳар гал бувимни кўргани борганда йиғлаб келади. Бугун ҳам йиғлаяптилар. Агар яна бувимни уйимизга олиб келсак тоғамнинг орияти келиб, онам билан юз кўрмас бўлишлари мумкин. Шу боис сизларга қўнғироқ қилаяпман. Нима қилсак бувимга яхши бўлади?

***- Гулҳаё! Эҳтимол тоғангиз ҳозирча ўз хатосини тушунмаётгандир? Ўз онасини асраб авайлаган, дуосини олган инсоннинг рўзғорига барака киради, дейишган.***

**Азизлар, бу ҳақда сизлар нима дейсизлар?**

ГУЛБАШАКАР

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ ҚЎЛГА КИРИТИНГ!




**“Тун ярмидаги воқеа” - 24-сон**

**ЭСЛАТМА: Катта ҳовлимда ёлғиз яшардим. Бола асраб олиш ҳақидаги ниятимни бир аёлга гапиргандим. Орадан вақт ўтиб, бир куни ярим тунда эшигим остонасига чақалоқ ташлаб кетишибди. Уни катта қила бошладим. Бир куни эса унинг онаси билан бувиси кириб келишди. Нима қилай? Яшаб турган уйимдан кўчиб кетайми? Ёки бошга тушганини кўриб яшайверайми?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Ушбу мақолани ўқиб, жуда кўп ўйландим ва ўз муносабатимни билдиришга аҳд қилдим.

Ҳурматли Зарифа опа! Жуда ҳам оқ кўнгил, меҳрибон, ҳаётнинг аччиқ-чучугини туйган аёл экансиз. Сиз бир кечада бутун оилангиздан, фарзандларингиз ва келинларингиздан фожеа сабаб айрилибсиз. Бу жудоликка ва у етаклаб келган ёлғизлик азобига дош бера олганингизга, ҳаётдан ҳеч нима кутмасангиз ҳам яшашни давом эттира олганингизга тасанно.

Энди 2 ой олдин зим-зиё ҳаётингизга ёруғлик бўлиб кириб келган жажжигина чақалоққа келсак. Аввало, у гўдак чиндан ҳам Яратганнинг сизга берган инъоми бўлгани рост бўлсин. Фарзандлар чиндан ҳам Худонинг бандаларига берадиган туҳфаси, шу туҳфанинг қадрига етмаганлар тирноққа зор ўтсинлар. Лекин бу болакай сиздек меҳригиё онахоннинг қўлига, бағрига тушган экан, бу унинг бахтидан, Яратганнинг марҳаматидан дарак. Фақат шу бахтнинг униш-унмаслиги сизнинг қўлингизда эканлигини ҳеч қачон унутманг, илтимос!

Биламан, ҳар доим маслаҳатга амал қилишдан кўра маслаҳат бериш одамзод учун енгилроқ. Шунинг учун фикримни юрагингизга етказай деб, ўз ҳаётимни, қилган хатоларимни сизга сўйлаб берай, дедим. Зора улар сизга ёрдам бўлса...

...Бундан бир неча йил илгари яқин бир қариндошимизнинг мактабда ўқийдиган қизи, ўзи ҳам вояга етмай, бу дунёга бир гўдакни келтирди-ю, ўзи уни тарк этди... Кўкни ларзага келтирган фарёду, дарё бўлиб оққан кўз ёшларни тасвирлаб ўтишга тил ожиз, ахир у қиз ҳаммамиз учун қадрли сингил, юрагимизнинг бир парчаси эди. Лекин ҳаммасидан дунёга эндигина келиб, ҳали ҳеч нарсани англай олмай, она исини излаган, мўъжаз қўлчалари билан меҳрга, муҳаббатга талпиниб, нажот истаган, онасидан айрилиш бахтсизлиги қанчалар улканлигини тушунишга ҳали ожизлик қилган ўша чақалоқ қизчага қийин бўлди. Чунки унинг ҳеч кимга кераги йўқ эди. Барча учун у гўёки оғир бир юкдек, ундан тезроқ қутулиш керакдек эди. Худди ўша йили бир бахтсиз ҳодиса оқибатида бизнинг оила тўнғич акам Озоджондан маҳрум бўлган эди. Шу сабабми, хуллас ўша чақалоқ акамсиз ҳувиллаб қолган оиламизга яна файз бағишлаб, бизнинг қизимиз бўлиб қолди. Ҳозир ўша дамларни эсласам, ўшанда сал ақл билан иш юритганимизда эди, кўп муаммоларни бартараф этган бўлар эканмиз, деб ўйлайман. Афсус, у пайт тажрибасизлигим панд берибди.

Гап шундаки, чақалоқни уйимга илк бор олиб келганимда, бола чиндан ҳам ҳеч кимга керак эмас эди. Аммо вақт ўтиши билан одамларнинг муносабати ўзгариши мумкинлигини мен ҳатто хаёлимга ҳам келтирмабман. Аввалига сизга ўхшаб ҳужжат ҳақида бош қотириш ўрнига, боланинг жисмоний эҳтиёжи, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолар ортидан қувибман. Лекин кейин маълум бўлишича, чақалоғимиз тиббий ёрдамга мухтож экан, касалхонада эса, албатта, ҳужжатлар талаб этишди. Шундагина мен илк бор қўлимдаги боланинг шахсияти ҳақида ўйланиб қолибман. Ишонасизми, гўдагимиз сал кам 5 ойлик бўлиб қолибди-ю, унга ҳали-ҳануз аниқ бир исм ҳам бермаган эканмиз... Кимлардир уни онасининг исми билан атар, кимдир “Ёдгора” дер, мен эса шунчаки “асалим”, “шакарим”, “ширинтойим”, деб эркалаб юраверар эканман. Хўп, тиббиётчилар сабаб елиб-югуриб кузда туғилган чақалоққа баҳорда туғилганлик гувоҳномасини олдик. Ёмони “ота-онаси” деган қаторга 30 йил бурун қазо қилган бобомиз исмини ёздириб, шу кишининг фамилиясини бердик. Ахир биз учун ўшанда бу шунчаки бир расмиятчилик эди-да. Ҳали оила қурмаганим учун қизчани расман ўзимнинг номимга олишимга ота-онам ўшанда қарши чиқишди. Мен учун эса амаллаб туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини қўлга киритганимнинг ўзи катта ғалаба эди. Қолганига ақлим етмади. Лекин шу туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси билан ҳам анча узоққа бордик. Чақалоқни тиббий назоратга олишди, кейинчалик боғчага бердик, мактабга ҳам шу ҳужжат билан юбормоқчи эдик. Бироқ...

Буни қарангки, бир куни 4 ёшга қадам қўйган қизалоғимиз йўқолиб қолди. Хавотирдан эс-ҳушимни йўқотаёзиб, милиция идорасига ёрдам сўраб борганимда, биласизми, улар биринчи бўлиб нимани сўрашган? “Сиз болага ким бўласиз?” Кўзларимни жавдиратиб, “аяси”, деб жавоб берганман. Шунда қидирув бўлими бошлиғи бармоғи билан столни чертиб ўтириб: “Буни тасдиқловчи ҳужжатларингиз борми?” - деб сўраганда қай аҳволга тушганимни тасаввур қилинг-а. Метркага назар ташласангиз, унинг онасининг исми турибди, 4 йил ер-кўкка ишонмай катта қилган қизалоғимнинг фамилияси ҳам умуман бошқа-бошқа, асослана оладиган бошқа ҳеч қандай ҳужжатим йўқ. Бу болани мен катта қилганлигим ва табиийки, унинг учун масъулият менинг зиммамда эканлиги, қизча учун хавотирланишим табиий эканлиги ҳеч бир ҳужжатда қайд қилинмаган, демак, болага ҳеч қандай ҳаққим йўқ бўлиб чиққан. Майли, посбонларимизга раҳмат, ўшанда одамгарчилик юзасидан кўп нарсага кўз юмишиб, кунни тунга улаб, ахири болани топишди. Аммо ўғирлаб кетган зотларни жазолаш четда турсин, болани улардан олиб менга беришнинг ҳеч иложи бўлмади, чунки улар ҳам қизимизга яқин қариндош чиқиб, ўз ҳуқуқларини талаб этишди. Судга ҳам мурожаат этишди, прокуратурага кетма-кет арз ёзишди. Жигардек азиз бўлиб қолган қизимизни бизга кўрсатмай, ҳали у ерга, ҳали бу ерга яширишди...

Бу оворагарчиликлар бир эмас, 2 йилга чўзилиб, бизга қанчалар азоб келтирганлигини билсангиз эди, Зарифа опа! 2 йилни 2 асрдан-да узун кўриб, юрсам ҳам, турсам ҳам, қизчам кўзимнинг олдидан кетмас эди. Унинг нарсалари, кийим-кечаг-у ўйинчоқларига хотиржам қарай олмас эдим. Бир куни дугонамникида қачонлардир унутиб қолдирган қизчамнинг пайпоқчасига кўзим тушиб, шу пайпоқчани юз-кўзимга суртиб, юм-юм йиғлаганим ҳамон эсимда. Мен у кунларимни ҳатто душманимга ҳам раво кўрмайман. Зарифа опа, илтимос, ўғилчангизни албатта ҳужжатлаб, расмийлаштириб олинг! Мен кўрган азобларнинг заррачасини ҳам кўришингизни истамайман. Ўзингиз яшаб турган туман халқ таълими бўлимининг (РайОНО) қошида васийлик ва ҳомийлик бўлими бор, албатта у ерга учранг. У ерда малакали мутахассислар, ҳуқуқшунос-у, адвокатлар фаолият юритишади, улардан маслаҳат олиш бепул, керакли йўриқларни улар албатта кўрсатишади. Ишонинг, қонун ўғлингиз манфаати томонида, ҳукуматимиз Меҳрибонлик уйини ҳечам тўлдириш ниятида эмас, чақалоқни 2 ойдан бери парваришлаётган экансиз, энди ҳеч ким болани сиздан тортиб олмайди, улар сизга болани расмийлаштиришда ёрдам беришади. Қўрқмай у ерга мурожаат қилаверинг.

Тўғри, ҳар бир ишда бўлганидагидек бу ерда ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бўлади, аммо ўғилчангизни ҳеч кимга беришни истамасангиз буларнинг барини енгасиз. Келажакда эса ҳеч ким болангизга ҳақли чиқмайди, ҳеч ким уни тортиб ололмайди, сизнинг ҳуқуқларингиз қонун ҳимояси остида бўлади. Ўғил-келинларингиздан айрилиб қолган кечани эсланг. Наҳот яна бир ўғилчангиздан жудо қилишларини истасангиз?! Ўз фарзандидан воз кечган она тубан киши, ундай кишиларнинг қўлидан ҳар иш келади. Бугун боласидан воз кечган бўлса, эртага муносабати ўзгармайди, деб ким кафил? Минг яширинманг, барибир сизларни топса-чи? Ахир эски қўшниларингиз, эски танишларингиз, қариндош-уруғларингиз бордир. Автобусда Меҳрибонлик уйидан қайтаётиб ўша аёлга ва ҳомиладор жувонга бор ҳаётингизни сўзласангиз, ўша танишларингиздан бирига чиқиб сизни топса-чи? Кейин билсангиз керак, боланинг туғилганлик гувоҳномасини олмагунча туғруқхонадан жавоб беришмайди, туққан онаси чақалоқни ўзига расмийлаштириб, ҳужжатларини сақлаб қўйган бўлса-чи? Йўқ, уй сотиб, муаммони ҳал қилолмайсиз, қонунларни албатта ўзингизга ва ўғлингизга қалқон қилсангизгина сиз ютасиз...

Қизалоғим 7 ёшга тўлганда бошқа биров эмас, айнан ўзим қўлидан етаклаб мактабга олиб борганман. Худо хоҳласа, келинлик либосини бизнинг уйимиздан кийиб, оқ фотиҳани бизлардан олиб кетади. Бунга ишончим комил, чунки, қонун ҳозир биз тарафда. Сизга ҳам шундай бахтни тилайман, фақат фарзандингизни илк қадамини ташлашга кўмаклашиш, мактабга элтиш, келин танлаб, набираларингизни аллалаш ҳуқуқини албатта қўлга киритинг!

**НАРГИЗАБОНУ.**
**Тошкент вилояти, Паркент тумани.**

# ЎЗИНГИЗНИ ЕРГА УРМАНГ!

**“Севилмаган аёл бахтли бўлолмас”-29-сон.**

**ЭСЛАТМА: Анвар деган йигитга турмушга чиққан эдим. Кейинчалик унинг менга муомаласи ўзгарди. Билсам... Унинг хотини ва 3 ёшли ўғли бор экан. Мен эса ҳомиладорман. Ажрашсаммикан?**

**Муаллиф: Ҳулкар**

Мен ён маҳалламиздаги бир оила ҳаёти ҳақида айтиб бермоқчиман. (Исмини ёзмадим).

Йигит жуда истарали, меҳнаткаш, турмушга етгудек пул ишлаб келар эди. Ота-онаси, чиройли оиласи бор эди. 2003 йилда бир савдогар аёлга илакишиб яширинча яшаб келди. Аёл жуда ҳийлагар, фирибгар, эркакларни қўлга олишга уста бўлган. Бундан хабар топган йигитнинг онаси ўша аёлнинг олдига бориб роса уришиб келган. У аёл эса ўғлингдан ҳомиладорман, деган. Улар бир йил яшагандан сўнг она барибир ўғлини олиб кетган. Она келинига: “Шу уй-жой сеники, ўғлим бир кун келади”, деб яхши гапириб олиб ўтирди. Мана йигит яна ўз хонадонига қайтиб, аёли билан яхши яшаб келяпти.

Қизим, сизнинг ҳам қайнона-қайнотангиз яхши инсонлар экан. Шуларнинг ҳурматини қилиб, фарзандларингизни етим қилмай яшаб кетаверинг. Анвар акангиз ҳам ажаб эмас, яна ўз хонадонига қайтса... Сиз сиқилманг, сабрли бўлинг. Қайнона-қайнотангиз ҳурматини қилиб, уларнинг иссиқ совуғидан хабардор бўлиб дуоларини олаверинг. Севилмаган аёл ҳам бахтли бўлиши мумкин.

Ўзингизни ерга урманг. Ҳаммамиз Оллоҳнинг севган бандасимиз.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ

**КАМОЛИДДИН!**
**Таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлсин.**
**Иброҳим.**

**БЕКНАЗАР ака!**
**Туғилган кунингиз билан табриклайман. Хонадонингизни файзу барака, тинчлик-тотувлик, бахт ва омад асло тарк этмасин. Фарзандларингиз ва набираларингиз роҳатини кўриб юринг.**
**Синглингиз София**

## МЕҲРУ ОҚИБАТИМИЗ ЙЎҚОЛМАСИН!



Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ҳар бир иши одамларга ўрнак бўлади.

Бундай ҳурматга сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қўшқандлик жияним Жамол Халиков шундай инсонлардан. Ҳар доим ўз жигарлик бурчини бажариб, биз яқинларидан ҳол-аҳвол сўрашга вақт топади. Истардимки, орамиздаги мана шу меҳр-оқибат риштalari асло узилмасин. Жамолбекни 9 август куни нишонлайдиган таваллуд айёми билан кутлаймиз. Илоё, оиласидан бахту саодат, барака аримасин.

**Қўшқандлик яқинингиз Ҳусниддин ҳамда Сирдарёлик тоғаларингиз Толибжон ва Ғанижон Эгамбердиев.**
**Сирдарё тумани, С. Раҳимов ш/у.**

## ТЎРТЛИКЛАР

**«Оила ва жамият» ўгитномаси**



Кимнингки пок эрса нияти, етсин,
То абад яшнасин ҳалолу пок йўл.
Аммо синиб кетсин, узилиб кетсин,
Бировнинг молига узатилган қўл!

* * *

Бунча мол-дунёга ўчсан, эй дунё,
Ғарибсан, қашшоқсан, пучсан, эй дунё.
Бойликка ҳирс қўйган Искандар мисол
Икки қўли мангу бўшсан, эй дунё...

* * *

Азизим, бир нафас ўйларга чўмгил,
"Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил".
Кўнгилда ҳикмат кўп, Гап кўнгилдадир,
Беғубор кўнгилдан айлансин кўнгил.

* * *

Бунча бино қўйма ўзингга, эй дил,
Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
Тилга эрк бермагил, эрк берма зинҳор,
Суякни синдирар бесуяк бу тил...

* * *

Бу ғариб дунёга ишонма, эй дил
Кўнгил сирларини кўнгилга кўмгил.
Эзгу амалларидан нишона деб бил,
Ки бирор кўнгилда очилса бир гул...

* * *

Юзингни бир кўрсам эди, эй кўнгил,
Кўзингни бир кўрсам эди, эй кўнгил.
Қанчалар нозиксан, ҳафиф, шаффоф, пок,
Ўзингни бир кўрсам эди, эй кўнгил...

* * *

Қалби тоза, пок одам хурофотга бўлмас ёр,
Нопок кимса пок бўлмас ҳаммомдан чиққан билан.

Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор,
Сўзки, ҳақ бўлавермас имомдан чиққан билан.

* * *

Бу қадим замондан қолган ривоят:
Бойларга таъзиму, тўққа итоат.
Ўзгалар олдида бош эгмоқ нечун?
Борига шукр қил, йўққа қаноат.

* * *

Ёшликка неки хос, бари ярашар,
Ёшлик тушга ўхшар ширин, сафоли.
Қариган чоғда ҳам сен билан яшар,
Сени ҳурмат қилган қизнинг хаёли...

* * *

Ой тўлган кечада кўнглимдан ўтди,
Сиз билан сўнгги бор учрашган ғўша.
Орадан чамаси юз йиллар ўтди,
Замонлар ўзгарди, Сиз ўша- ўша...

**Курбон ТЎРА**

## ИЛОН ЎЛДИРМАГАНДА ЭДИ...

**Руҳият сирлари**

- Қизим Феруза фарзанд кутаётганди. Кўзи ёришига икки ойча бор эди, - ҳикоя қилади Салима опа. - Дарвозамиз очиқ турарди. Ичкарига бир неча қадам ташлаган қизим: "Илон, илон!" дея қўрқув ва ҳаяжон билан бақирди.

Дарвозагача борсам, остона бўйлаб бир илон чўзилиб ётибди.

- Белкуракни олиб келинглар, ўлдирамиз, - дедим. Бизнинг бу хатти-ҳаракатимизни кўрган илон жойидан қўзғалиб оҳиста ташқарига кета бошлади. Бир бел ургандим, дум қисми узилди. Яна бир неча бор белнинг тиғини уриб, илонни бутунлай ўлдирдим. Устига туз сепиб, ёқиб юбордим.

- Ўлдирмаса ҳам бўларди-ку. У қизингизга ҳам, бошқаларга ҳам хужум қилмаганди. Феруза эсон-омон боласини қўлига олдими?

- Олишга олди. Бола туғилгунча бироз қийналди.

- Буни илонни ўлдирганингизга дахли бор, деб ўйламаяпсизми?

- Дастлаб ўйламагандим. Иккинчи боласи тушгач, учинчи боласи икки ойгина яшаб вафот этгач илонни ўлдирганим кўз ўнгимдан кетмай қолди. Қизим ич-этини еб, чарчаб кетди. Унга қўшилиб биз ҳам эзилаяпмиз.

- Қизингиз ва куёвингизни домлага ўқиттириб, покласангиз, иншооллоҳ яна соғлом невараларнинг момоси бўласиз.

- Айтганингиз келсин.

- Илон ўчини олаётган экан. У адолатли жонивор. Дўстга дўст, душманга душман. Тегмасангиз иши йўқ. Унга қарши иш қилсангиз жавобсиз қолдирмайди.

- Ўша вақти мени қайтарадиган одам бўлмади-да. Эндиги пушаймонимдан фойда бўлмаяпти. Менинг бу хатоимни илоннинг руҳи қани кечира қолса...

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ**

## БЕШИК ТОБУТ НИШОНАСИМИ?

**Туш таъбирномаси**

Бу воқеага анча бўлди. Ёзги таътилда бувимларникига дам олишга боргандим. Эрталаб сўрида чой ичиб ўтирсак, бувимнинг бир девор қўшниси Шарофат опа чиқиб қолдилар.

- Ойниса хола, - деди у бувимга алақандай ваҳима аралаш овоз билан. - Жуда бехосият туш кўрибман, тушимда кичик қизим Наргиза бешик қучоқлаб ўтирган эмиш.

Бу гапни эшитиб, шу кунларда кўзи ёриши арафасида юрган Наргиза опа кўз олдимга келди.

- Вой, нега ваҳима қиласиз, айланай? Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Наргизахон эсон-омон қутулиб оладилар. Сиз яхшиси кўрган тушингизга садақа атаб қўйинг, яхшиликка кўринсин, илойим.

Бир ҳафтадан сўнг Наргиза опанинг кўзи ёриди. Шарофат опанинг хавотири бежиз эмас экан. Жарроҳлик йўли билан туғилган бола кўп яшамади, нобуд бўлди...

Бу воқеани эшитиб, Наргиза опага ачиниб кетдим. Шуни англадимки, тушда кўрилган бешик тобут белгиси экан. Халқимизда яхши тушга ҳам, ёмон тушга ҳам садақа бер деган гап ҳар ҳолда бежиз айтилмаган. Ким билсин, эҳтимол Наргиза опанинг омон қолишига ҳам айнан мана шу нарса сабаб бўлгандир?..

**Дилдора ЮНУСОВА,**
**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика талабаси.**

## "СЎЗ ЯРАСИДАН КЎРА"...

**Икир-чикир. Лекин...**

Хушмуомилалик ва ширин сўзликда гап кўп. Аммо кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган бир ҳолатни сизга ҳавола этмоқчиман. Тасаввур қилинг. Эрталаб кайфиятингиз яхши. Ҳаво ҳам илиқ. Умуман ҳаммаси жойида эди. Тирбанд автобусга чиқдим. Тасодифан бир қизнинг ёнидаги ўғил болага қарата айтган гапи мени ҳам, атрофдагиларнинг ҳам асабини бузди;

- Оёғимни босдинг, ҳўкиз, кўзингга қарасанг ўласанми,кўз борми ўзи,ё пўстакнинг тешигими?

Шунга ўхшаш бепарвоз гаплар давом этди... Билмасдан шошиб қизнинг оёғини босиб олган бола ҳам қизиққон экан шекилли,ё унга қарата айтилаётган гапларни тўхтатмоқчи бўлди шекилли:

- Эй, манга қара, нима девоссан сан ўзи,жа индамаса,ман ҳўкиз бўлсам сан ғунажин, билдинг?!

- Ўчир овозингни яхшиликча, ё башарангни безаб қўяйми?- давом этди қиз.

- Қўлингдан нима келади? Кўркитвотсанми,харип?...

- Ҳозир дадамга телефон қилсам, сани йўқ ғилиб юборалла,биласанми дадам ким?- деди қиз.

- Ким экан дадаси, билмаймиз?-қўлини бир-бирига қовуштирди бола.

-Эй, бор йўқол, кўзимга кўринма, - деди қиз.

- Дадангни кимлигини айт, билиб олайлик, шунча бойвучча бўлсанг нега автобусда юрибсан? "Маска" !. Юзингга бир қара, ҳамма краска бор.

- Сан мани юзим билан ишинг бўлмасин, - дея ғазаблана бошлади қиз.

Бу иккаласининг муомиласидан, шовқиндан ҳамма хижолат бўла бошлади. Шунда ўтирган 30-35 ёшлардаги эркак;

- Бўлди қилсаларинг-чи, уялмайсизларми, қарасам иккалаларингиз ҳам ўқийсизлар ўқишда-я... Иккалаларингиз ҳам бир-бирларингизни таништирдингизлар бизга, яхши, билиб танишиб олдик, уят-э...

-Ўзини кўрмайсизми, оёғимни босиб олиб яна...

- Нима, ман билиб босиб олибманми, кўзим учиб турганмиди санга?-деди ўғил бола ҳам.

- Синглим, кўриб турибсиз, автобус тиқилинч, билмасдан оёғингизни босиб олган-да, шунга кўпол муомила қилиш керакми, сиз қиз бола-я!

Ҳалиги киши насиҳат этишда давом этди. Энсаси қотган икки ёш ойнага тикилганча келаверарди. Сўзлашув санъати ҳам катта истеъдод талаб қилар экан". Сўз ярасидан кўра, тиғ ярасини даволаш осон",-деган экан испан адиби Педро Кальдерон. Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи даркор. Кийиниш ҳам, муомила ҳам,юз ҳам барчаси... Яхши сўз-эзгулик уруғи. У барчамизда бисёр, ҳамма вақт топилади, етарли. Шундай эмасми, азиз юртдошим?

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Озгина фаоллик қилсангиз маблағ масаласида катта ютуққа эришасиз. Бироқ, пулни сарфлашда меъёрга риоя қилинг.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Бу ҳафтада ўзингизга ишончингиз янада ортади. Ҳамкорларингиз билан муносабатларингиз яхшиланади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Муаммоларни ҳал қилиш учун қулай ҳафта. Шунингдек янги ҳамкорлар билан тузилган шартнома ҳам фойда келтиради.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Соғлиғингиз ҳақида қайғуринг. Бор эътиборингизни тўғри овқатланиш ва парҳезга қаратинг. Ҳаётингизда муҳим ўзгариш бўлиши кутилмоқда.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Омад келтирадиган ҳафта. Янги танишлар орттириб ҳафтани кўнгилдагидек ўтказасиз. Соғлиғингизга эътибор қаратинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ўзгалар фикрига қулоқ тутманг. Ўз уйингизда шинамлик яратинг. Зеро, тозалик туман бойликдир.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ҳар қандай ишингизга ҳам ўзингиз жавоб бера олинг. Дўстларингиз ёрдамига суянинг. Улар ёрдамида ишларингиз ривож топади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Дунёқарашларингизни муҳокама қилиш учун қулай ҳафта. Узоқ қариндошларингиз билан боғлиқ муаммога ёрдам беришингиз керак.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Зиммангизга анча оғир юк тушади. Буни уддалаш учун билимингизни оширишингиз тўғри келади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Янги ишга ўтишингиз учун қулай ҳафта. Янги танишлар ва ҳамкасбларингиз билан эҳтиёт бўлиб гаплашинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Уй-рўзғор ишлари билан шуғулланинг. Таъмирлашни бошланг. Келишмовчиликдан сақланинг.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Ҳамкасбларингиз билан ғийбатлашишдан йироқ бўлинг. Янги кийимлар сотиб олишингиз эҳтимоли бор. Пулни тежаб ишлатинг.



# БЎЙДОҚЛАРГА...

**1 - МАСЛАҲАТ**

Ҳеч қачон қизларга йўлда беҳуда гап отманг ва тасодиф билан танишган қизларга кўнгил қўйманг. Сабаби, сиз унинг ўтмишини билмайсиз. Учраган қиз сулув бўлса, шубҳасизки, ошиқлик дардига мубтало бўлурсиз. Унинг ўтмишидан хабар топгач эса ажралишга тўғри келади. Бунда сиз муҳаббат аталмиш неъматнинг марҳаматидан маҳрум бўлишингиз мумкин. Илло, бу ноёб ҳиссиёт инсонга атиги бир маротабагина насиб этади. Енгил ҳавас деб муҳаббатнинг инжа дийдоридан маҳрум бўлиб қолманг.

**Ривоят:**

Бир йигит узоқ сафарга отланибди. Йўлда мусофирлар тунайдиган бир хонадонга меҳмон бўлибди. Мезбоннинг бўйи етган сулув қизи бор экан. Йигит бўлса, иттифоқо тонг маҳали унга кўзи тушиб, унга ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Уч кунгача турли сабабларни рўкач қилиб, сафарни ортга сураверибди. Ниҳоят, хонадон соҳиби йигитнинг ҳолатини англаб, уни ёнига чорлабди:

- "Сенинг нега бу ердан кета олмаётганингни сезиб қолдим.

Агар қизимнинг боши очиқ бўлганида сени ўғил қилиб олардим. Лекин минг афсуски,унинг боши боғлангандир. Менинг берадиган маслаҳатим шуки, сенга бирор қиз ёқиб қолса, унга кўнгил қўйишдан аввал, унинг насл-насабини, етти авлодини суриштириб сўнгра кўнгил бергин. Натижасиз, яъни висолдан маҳрум севги йигитнинг дилини вайрон қилиши мумкин",- деб мезбон уни йўлга кузатиб қўйган экан.

**2 - МАСЛАҲАТ**

Агарда бирор қиз билан танишгудай бўлсангиз, қизиқ-қизиқ ичакузди ҳангомаларни айтиб кулдиришга ҳаракат қилинг. Агар у сизнинг сўзларингиздан таъсирланиб, юзини чеккага буриб ёки оғзини паналаб кулса, дўстлашинг. Борди-ю арзимаган нарсага ҳам ҳадеб тишининг оқини кўрсатиб, шарақлаб кулаверса, билингки, ундан ўзингизни олиб қочишингиз зарурдир.

**Ривоят:**

Бир бою бадавлат кишининг ҳусндa тенги йўқ қизи бор экан. Вақти соати етиб унинг эшигидан совчилар аримай қолибди. Бой эса болаликдан бирга ўсган қадрдон дўстининг ўғлини куёв қилиш учун кўз остига олиб қўйганди. Бир куни суҳбатда шунга ишора қилди. Дўсти ҳам бунинг сабабини тушунган ҳолда ўғли билан маслаҳат қилибди. Унинг ўғли ҳам қизга мойиллигини билдириб, бўлғуси келинчак билан учрашишга розилик берибди. Қизнинг чиройидан кўнгли тўлиб, у билан суҳбат қурибди. Бўлғуси куёв пайтдан фойдаланиб бир қизиқ воқеани қизга гапириб берибди. Шунда бўлғуси келин чунонам хандон отиб кулибдики, ҳатто дарахтлардаги қушлар ҳам чўчиб осмонга кўтарилибди. Йигит уйига келгач, бу қизга уйланишдан воз кечибди.

**3 - МАСЛАҲАТ**

Агар сизнинг ёқтирган қизингиз бўлмаса, асло қайғурманг. Ота-оналарнинг ташаббуси билан турмуш қуриб бахт топганлар озимунчами. Бироқ, сиз ҳеч қачон шошилманг. Келин бўлмишнинг уйига бораётган яқин кишингиздан хонадоннинг саранжом-саришталигини суриштиринг. Агарда, бунга шубҳа қилсангиз, учрашув чоғида бекатда қизга писта тутинг. Мабодо қиз унинг пўчоғини учраган жойга ташлайверса, билингки, ўша гумон албатта тўғри бўлади.

**Ҳикоят:**

Бир кишининг учта бўйи етган қизи бор экан. Улар ҳусндa парилардан қолишмас экан. Уларнинг таърифи етти иқлимга етибди. Бошқа бир подшонинг оқил ва паҳлавон ўғли бўлиб, у опа-сингилларнинг таърифини эшитгач, улардан бирини келин қилиш фикрига тушибди. Ниҳоят, вақтни ўтказмай вазирни совчиликка юборибди. Буни қарангки, қизларнинг хонадонига келган вазир жуда зийрак ва синчков экан, у шу куни ҳовлининг четидаги супринди олинмаганини кўриб қолибди. Бу куни ҳовлини катта қиз супирган экан. Вазирнинг иккинчи келишида ҳам бу ҳолат такрорланибди. Чунки ҳовлини ўртанча қиз супурган экан-да. Ниҳоят, учинчи кун эса ҳовли ярақлатиб супурилган, суприндилар олинган, кўчага сувлар сепилган экан. Совчи подшога ана шу кенжа қизни келин қилишни маслаҳат берган экан.

**4 - МАСЛАҲАТ**

Қизлардаги ақлу фаросат кийинишидан, ўзини тутишидан билинади, кўз қарашларидан англашилади. Булардан ташқари сиз бўлғуси умр йўлдошингизнинг қўли очиқлигини ҳам текшириб кўрсангиз янада яхши бўлади. Албатта, бунинг йўли осон.

Масалан, бирга кетаётганингизда садақа сўраб турганларга каттароқ миқдорда ҳайр қилинг. Шунда танишингиз бунга ўз муносабатини билдириши мумкин. Агар дилидагиларни ошкор этмайдиганлар хилидан бўлса, сиздай "қўли очиқ" одам билан турмуш қуриш фикридан воз кечади. Ўйлайманки, бу айниқса сиз учун фойдалидир.

**Ҳикоят:**

Бир тиланчи ўртаҳол оилага садақа сўраб келибди. Хонадон соҳибаси унга атиги битта куйган кулчани узатибди,холос. Шунда халиги одам: "Шунисига ҳам раҳмат. Эринг қўли очиқ, фаҳм фаросатли инсон эди, агар тақдир сендай қурумсоқ аёлни учратмаганида, у бою-бадавлат бўлиб кетиши шубҳасиз эди",-деб айтибди ва яна йўлида давом этибди.

**5- МАСЛАҲАТ**

Агар ёқтирган қизингизнинг ички дунёсини билмоқчи бўлсангиз, унга дастлаб китоб совға қилинг. Бирор яқин дўстингиз эса қимматроқ совға келтирсин. Севгилингизнинг уларни қабул қилиб олаётгандаги ҳолати, шундан кейинги муомала кўп нарсани ойдинлаштиради. Агар у сизнинг совғангиздан қувониб ўзгармаса, кейинчалик сизнинг топишингизга қараб эмас, балки ички дунёингизга қараб қадрлайдиган ёр бўлиши шубҳасиздир.

**Ҳикоят:**

Бир мамлакат подшосининг ҳусндa, ақлу фаросатда тенгсиз қизи бор экан. Балоғат ёшига етганда, унинг таърифи бу ёруғ жаҳонни тутибди. Жамики шаҳзодалар унинг висолига етиш умидида ёнишибди. Қиз эса маълум муддатда қуйидаги шартни бажарган йигитга турмушга чиқишини эълон қилибди:

Куёв бўлмиш ўз юртидан уч хил ноёб нарсани олиб келмоғи ва у қизга ёқиши лозим экан. Маликанинг истаги жарчилар орқали барча ошиқларга етказилибди. Уни эшитган шаҳзодалар ўз юртидаги жамики қимматбаҳо бойлик, дуру гавҳарларнинг энг сарасини қизнинг ҳузурига келтиришибди. Бироқ, малика уларга қайрилиб ҳам қарамабди.Шартнинг муддати тугай деган маҳалда қизнинг ҳузурига бир йигит кириб, китоб, нон ва туз қўйибди.

Шунда маликанинг юзига табассум ёйилиб:

-Сиз буларни нима учун келтирдингиз?-деб сўрабди.

Шунда йигит:

- Мен болаликдан китобга меҳр қўйдим. Табиблик илмини ўргандим. Нонимни илм ва табибликнинг орқасидан топаман. Тузимни ичиб хиёнат қилмайдиган қизга умримни бағишлайман,-дея жавоб қайтарибди

Шундан кейин малика ўша йигитга турмушга чиқишга розилик билдирган экан.

**6 - МАСЛАҲАТ**

Агарда бир қизни ёқтириб, уйланишга қарор қилган бўлсангиз, албатта унинг кўнгли юмшоқлигига ҳам эътибор беринг. Шубҳасиз, бунинг чораларидан бири, у билан кетаётганингизда бирор парранда ёки ҳайвонга озор бермоқчи бўлиб тош кўтаринг. Агар севгилингиз дарҳол қаршилик кўрсатиб, қўлингиздан тутса, билингки, унда аёлларга хос бўлган олижаноб хислат-раҳмдиллик бор бўлади. Бу сизнинг бўлажак фарзандларингиз тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутади.

**Ҳикоят:**

Бир донишманднинг яккаю ёлғиз ўғли бор экан. Унинг бошини иккита қилиш фурсати етганда, хонадонига муносиб келин ахтарибди. Шунда қишлоқдаги обрўли хонадонда бўйи етган қиз борлигидан дарак топибди. Бироқ қизнинг қандайлигини билиш имкони бўлмабди. Шунда донишманд бир парранданинг патидан озгина юлиб, кўчада юрган боладан ўша қизнинг олдига киритиб юборибди.

-Опажон, манави қушчамнинг ярасига дори суркаб қўйинг,-дея ялинибди бола.

Қиз бўлса: - Арзимаган нарсани деб менинг вақтимни олма,-деганча болани уйидан ҳайдаб чиқарибди.

Шунда ҳалиги донишманд афсус ила бош чайқабди-да, келин қидиришга тушган экан.

**7- МАСЛАҲАТ**

Бунисида айтмоқчи бўлганларимиз, тўй арафасидаги, ундан кейинги муносабатлар хусусидаким, уни сиз ҳаётдан, китоблардан ўрганурсиз. Сиз шуни асло унутмангки, бир аёлни бахтли қилиб яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Афсуслар бўлсинким, бу сабоқлар ҳам сизнинг бахтли бўлишингизда кафолат эмас. Боиси, бу ёзилганларни қизларимиз ҳам албатта ўқийдилар. Такрор айтамизки, авваламбор ҳаёт энг яхши муаллимдир. Сизни табиат ўқиб-ўрганишдан, фаросатдан дариғ тутмаган бўлса бас. Илло, донишмандлардан бири:

***Кимки олмаса гар ҳаётдан таълим,***
***Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим,***
деганида, улар минг бора ҳақ эди...

**Омонулло АБДУСАЛОМОВ,**
**Андижон шаҳри.**

**АБДУРАҲМОН**

хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй.**
**Телефон: 276-85-86, 116-88-02.**
**Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**ООО «SHINAM JIHOZ»** ўз фаолиятини тугатади. Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади. **ТЕЛ: 242-94-46.**

**TAGUS BIZNES** ХКнинг муҳри ва ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

## ҚИССАДАН ҲИССА

### ҚАЙНОНАСИНИ КАФТИДА ТУТГАН АЁЛ

Дарвоза тақиллаганди, очиб қарасам, хўжайинимни холасининг келини Унсун янга: «Меҳмон олмайсизларми?» - дея кулиб турибди. Орқасида хўжайини ҳам турибди.

- Келинг, - деб хурсанд бўлиб олдига пешвоз чиқдим.

- Қайнонамни бир қариндошларникига олиб бориб, шамоллатиб келай, дегандим, - деди Унсун янга ва машинанинг эшигини очиб, қайнонасини кўтариб тушира бошлади.

- Вой, хўжайинингиз кўтарсин, дегандим:

- Йўқ, у киши бирор жойини оғритиши мумкин,- деди-да, авайлабгина кўтариб, уйга олиб кириб, қалин кўрпачанинг устига ўтқизди ва орқасига, ёнбошига ёстиқ қўйди.

Момонинг ёши тўқсонга борган, муштдеккина, кўзи ўтмай қолганига икки йил бўлди. Оёқлари ҳам ишламай қолди. Янганинг юзлари дала меҳнатидан қорайиб кетган, қўллари қадоқ. «Зиғирни йиғиб олдик, арпани сувириб, самонини янчиб олдик. Эҳ, қишлоқда иш қизиб кетган бош қашишга ҳам вақт йўқ. Ҳамма бола-чақаси билан чумолидай далада, момо ҳам жуда зерикиб кетди. Барибир юролмаса ҳам тирик жон», - деди Унсун янга.

Дастурхон ёзиб, майда-чуйда қўйдим ва чой тутдим. Янга аввал момога авайлабгина чой ичирди. Кейин нон ивитиб берди. Овқатни ҳам аввал қайнонасига тутди. Тўғриси, бу аёлнинг иродасига жуда ҳавасим келди. Қариб, ўз уйига сиғмай қолганлар қанча, ўз фарзандлари бўла туриб «Қариялар уйи»да кун кўраётганлар қанча...

Бир тўйга боргандим тўртта аёл билан дастурхон атрофида бирга бўлиб қолдик. Аёллар жуда замонавий кийинишган, ўзлари ўқитувчи экан. Бўйниларида, қулоқларида, бармоқларида тилла тақинчоқлар... Бир-бирига навбат бермай, бисотларини мақтанишаяпти. Шунда бири ёнидагисидан: «Дугон, Санони (Санобар) ҳам кўриб турибсанми, сенга яқин турар-кан», - деди. Унга жавобан дугонаси бурнини жийириб: «Ўшани гапирма, уйдан чиқмайди, ўша мултоқ қайнотасига қараб, ўша алкаш эридан нима кун кўраяпти? Ҳатто устида тузукроқ кийим ҳам йўқ. Зарилми, «Қариялар уйи»га топшириб юбормайдими?» - деди. Ёнидагилар ҳам унинг гапини маъқуллашди.

Қаранг, ўқиган билан уққан бошқа. Қайнотаю оиласини қадрлаб юрган ўша аёлга эридан бўлмаса болаларидан қайтар. Худо ҳеч бандасини яхшилиги учун қуруқ қўймайди...

**Гулшода БОБОЕВА,**
**Қамаши тумани, Қорасув маҳалласи.**

# Истиқлол илҳомлари



*Ушбу шеърлар Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.*

## СЕВГИМ ҚУЁШИ—ВАТАН!

Ўзбегим заковати,
мехригиёси билан,
Гўзаллардан гўзалроқ,
бойлардан бойроқ юртим,
Елкасида кўтариб
келган дунёси билан
Оламаро забардаст,
бадавлат ўлка кўрдим.
Бир билакдан тушириб
улгайиш сарҳисобин
Иккинчисига ортар
келажакнинг юкини,
Ундан чарақлаб чиқар
жаннатмакон офтоби-
Бу "Саодат-инсонга,
фаровонлик тўкини"!
Баланд-паст довон ощдик,
серзахмат, лек мунаввар,
Орзуларнинг манзили
ойдинда равон бўлди,
Меҳнат, ғайрат, муҳаббат-
бир матлабга сафарбар,
Янги замон устуни-
покдомон виждон бўлди.
Тинчлик ҳавоси қудрат,
ҳаёт-мустақилликка,
Қаддимизни ростлади
зафар, ишонч ғурури.
Озод яшаш санъатин
ўргандик мангуликка,
Куч-қувватга тўлдирди
Истиқлолнинг сурури.
Лабзи ҳалол Ватаним,
қасамёдинг ёдингда,
Ўзинг худди сўзингсан,
сўзинг худди ўзимман,
Яхши- ёмон кунингда
доим дастёр ёнингда,
Мен ҳам сенга мафтункор
бир фидойи қизингман.
Не десам-да сўз ожиз,
салобатинг олдида,
Сен жаҳон ишқи тушган
буюклигинг кўзидир.
Ўн олти йил ортингда,
юз олтмишлар олдингда...
Олға борар йўлимиз-
Хумоқушнинг изидур.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА



## САМАРҚАНД

Кишиларга жаннат охиратдадур.
Бироқ ер юзининг жаннати
Самарқанддур.
(М.Бўстий)

О, Самарқанд - Фирдавс равзаси,
Турон ичра шаҳарларга пир.
Муболаға йўқ ҳеч сўзимда,
Самарқандни бориб кўринг бир.
Боғи Эрам, Боғи Дилкушо,
Боғи Бехишт бунда чорлайдир.
Улуғворлик машъали ёниқ,
Самарқандни бориб кўринг бир.
Бибихоним хоки муқаддас,
Тупроқларин кўзга суринг сиз.
Мангуликдан келар мунгли сас,
Самарқандни бориб кўрсангиз.
Тупроғини Темур титратган,
Исмоил ал-Бухорий ётган,
Алишер-у Бобир сиғинган
Самарқандни бориб кўринг сиз.
Илму фаннинг тирбанд эшиги
Улуғбекдек даҳо юртидир.
Мозийнинг энг ғамли бешиги -
Самарқандни бориб кўринг бир.
Орзу бўлган неча эвларга,
Бу юрт талош бўлган гавҳардир.
Омон қолган мағрур салтанат -
Самарқандни келиб кўринг бир.
Келиб-кетар йиллар, карвонлар
Самарқанддур мендаги ғурур.
Шу ғурур-ла кездим жаҳонда,
Самарқандни келиб кўринг бир.
Самарқандни ҳали билмаслар -
Бу дунёга келмаганлардир.
Каъба мисол муқаддас маскан
Самарқандни бориб кўринг бир.

Раъно РАББИМОВА,
Навоий вилояти,
Навоий шаҳар,
12-мактаб ўқитувчиси.



## «ЎН ОЛТИ ЁШДАМИЗ»

(Кутлов)

*Истиқлолга бешиктош-не буюк тақдир,*
*Ҳуррият бағрида кўз очган қизман.*
*Бу юртда туғилмоқ-ўзи бир бахтдир,*
*Манглайи порлаган ёрқин юлдузман.*

*Балоғат ёшига етдик, ватаним,*
*Мустақил ҳаётда ўрнимиз тайин.*
*Муҳаббат, меҳримни сенга атадим.*
*Озодлик лаззати туйганим сайин.*

*Хушрўй келинчакдай шаҳарлар кўркам,*
*Бунёдкор элимни танинд дунё.*
*Биз ёшлар эмасмиз ҳеч кимлардан кам,*
*Билимлар эшиги очиқ доимо.*

*Ўн олти ёшдамиз, қалбимиз тошқин,*
*Куч-қувват, ғайратга тўлиқ билаклар.*
*Вужудда қайнайди туйғулар жўшқин,*
*Улкан орзу ила урар юраклар.*

*Ўн олти йилларнинг йўли-музаффар,*
*Эй халқим, бу айём сизга муборак!*
*Шон-шараф кунларга бўлдик муяссар,*
*Истиқлол ёшимиз сизга муборак!*

Моҳина АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти қошидаги юридик лицей талабаси.



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ЧУМОЛИЛАР МЕҲНАТКАШ ҲАШАРОТ

Чумолиларни кузатган одам улар доим у ёқдан бу ёққа шошиб юришини, тинимсиз меҳнат қилиб, инига бир нималар ташиишини кўриши мумкин. Улар ерни кавлаб, ўзларига ин қуришади. Бутун ёз давомида эса ана шу инларига озуқа ташиб қиш ғамини ейишади.

Худди асаларилар каби чумолилар ҳам тартибли ва ишни юқори даражада ташкил этадиган ҳашаротлар саналишади. Улар катта оила бўлиб яшашади ва бу оилада ҳар бир чумолининг ўз ўрни, вазифаси бўлади. Уларнинг айримлари озуқа топиш билан, бошқалари инни қўриқлаш билан, учинчилари эса она чумолилар қўйган уруғларни асраш билан банд бўладилар. Ҳар бир чумоли инида атиги битта урғочи чумоли - **қиролича** бўлади. Унинг гавдаси бошқаларидан анча катта бўлиб, унинг вазифаси фақат насл қолдириш учун уруғ қўйишдан иборат.

### ЎРГИМЧАКЛАР ҲАҚИДА

Кўпчилик одамлар ўргимчаклардан қўрқишади, аммо уларнинг аксарият турлари инсон учун мутлақо хавфсиз ҳисобланади. Ўргимчаклар майда ҳашаротлар билан озиқланишади. Улар



ёпишқоқ ип ишлаб чиқаради ва ундан тўр тўқийди. Чивин, пашша ва бошқа майда ҳашаротлар ана шу тўрга тушиб, ўралиб қолади. Ўргимчак эса уларни еб кун кечиради.

Айрим ўргимчаклар заҳарли бўлиб, чақса одамни ўлдириши мумкин. Масалан, тарантул ва қорақурт ана шундай ўргимчаклар ҳисобланишади.

Тарантул ҳажми катта ўргимчак бўлиб, у жигар рангли, оёқлари ва қорнида оловранг доғлари бор. У ердан ўзига ин кавлаб яшайди. Инсон ёки биронта ҳайвон беҳосдан босиб олганда чақади.

Қорақуртнинг фақат эркаги хавфли ҳисобланади. Урғочиси ва ёш болаларининг заҳари кучсиз бўлиб, одамга зарар етказмайди.

### ТЕРМИТЛАР НИМА БИЛАН ОЗИҚЛАНАДИ?

Термитлар ташқи кўринишдан чумолига ўхшайди, аммо улар чумолидан каттароқ бўлишади. Термитларни оқ чумолилар деб ҳам аташади. Улар иссиқ иқлимли ўлкаларда яшашади ва целлюлоза билан, яъни ўсимлик ва дарахтларнинг танаси билан озиқланишади. Термитларнинг айрим турлари ер остидан ин қуриб яшашса, бошқалари ер устига баланд минора шаклида ин қурадилар. Бундай инларнинг баландлиги баъзида 2-3 метргача етади.

Термитлар ёғочни кемириши боис инсонларга каттагина зарар келтиришади. Термитлар ковак қилиб еб ташлаши оқибатида уйларнинг устун ва тўсинлари, ёғочдан ишланган мебеллар яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Ҳатто уй устунларини термитлар еб ташлаши оқибатида том босиб қолган ҳолатлар ҳам бўлган.




### АСАЛАРИЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ

Асаларилар оила бўлиб яшашади. Битта асалари оиласи уя деб аталади. Ҳар бир оилада бир неча гуруҳ асаларилар бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир вазифаларни бажаради. Масалан, ишчи асаларилар гуллардан нектар йиғиш билан, аскар-асаларилар эса уяни қўриқлаш билан шуғулланишади. Ҳар бир уяда битта она асалари бўлади. Ана шу асалари тухум қўйиб, бола очади.

Асалари қорнининг орқа томонида ўткир ниши бўлиб, у хавф туғилганда ана шу нишини душманига санчади. Аммо чаққан асаларининг ниши узилиб тушади ва у ўлади.

Ишчи асаларилар қишда ўзлари йиққан асални еб жон сақлайдилар.

### ЧАЁННИНГ ЗАҲАРИ ҚАЕРДА?

Чаёнлар ҳам худди аксарият ўргимчаклар сингари саккиз оёқли бўлиб, бошининг икки томонида ўткир қисқичли оёқлари бор. Чаён ана шу қисқичлари билан ўлжасини ушлаб, озиқланади. Чаённинг қорни икки қисмдан иборат бўлиб, олдинги қисми семиз ва унда оёқлар жойлашган. Орқа қисми эса худди думга ўхшаб ингичка бўлади ҳамда унда заҳарли ниши жойлашган. Чаёнлар қуруқ иқлимли чўл, ярим чўл ва дашт ҳудудларда яшашади.

Чаёнлар кундузи иссиқдан яшириниб, дарахтлар пўстлоғи ёки тошлар остида ётишади. Кечалари эса овга чиқиб, ҳашаротлар ва ўргимчакларни тутиб ейишади.

### ИПАК НИМАДАН ОЛИНАДИ?

Ипак тола биринчи марта бундан бир неча минг йиллар бурун Хитойда олинган. Ипак толалар тут баргини еб кун кўрадиган ипак қуртидан олинади. Хитойда ва ипак қурти боқиладиган бошқа мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам улар махсус қўпайтирилади.



Битта урғочи ипак қурти ҳар сафар 400 тагача тухум қўяди. Ана шу тухумлардан ипакчи қуртлар чиқади. Бу қуртлар олти ҳафта давомида тут барги билан боқилади. Сўнгра улар танасидан оппоқ, майин тола ажратиб чиқариб, ўзини ўраб олади. Бу пилла деб аталади. Бир килограмм ипак тола олиш учун ана шундай пилладан 5500 донаси керак бўлади. Пиллани олдин қайноқ сувга солиб, ичидаги қуртни ўлдириб олишади. Сўнгра махсус ғалтакка ипни ўраб олишади. Ипак толадан юқори сифатли, қимматбаҳо матолар тўқилади.

ДАРМОН тайёрлади.

# БИР ОИЛА ҚИСМАТИ

*Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари*

Бир оилада бўлиб ўтган воқеани севимли газетамизга ёзиш тўғрисида кўп ўйландим. Газетада берилаётган мақолалар мени шунга даъват этди. Бир оила фожиаси орқали юртдошларимизни огоҳ қилай, фарзандлар тарбияси, ота-оналар хурмати борасида лоқайд бўлмаслик, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, бойлик ва давлатнинг шунчаки бир ўткинчи нарса эканлиги ҳаётда ўз исботини топганлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа-ҳодисалар ўтган асрнинг 70-йиллар ўрталарида бошланиб, 80-йилларнинг охирида фожиа билан якун топди. Ёшлигимда бирга ўйнаб ўсган бир оила фарзандларининг қўлларида катта пулларни кўриб мен, ҳам ҳавас, ҳам орзу қилардим. Қани эди, энди менда ҳам шунақанги пуллар бўлса? Ўзим оддий оила аъзосиман, отам ҳайдовчи, онам эса уй бекаси эди. Қўшнимизнинг фарзанди билан тенгман, бир мактабда, лекин бошқа синфларда ўқиганмиз. Отаси омбор мудири, онаси эса шу вақтда олди-сотди ишлари билан шуғулланар эди. Вилоятга сақични (жевачка) биринчилардан бўлиб Болтиқбўйи республикаларидан олиб келиб, яширинча сота бошлаганди. Чунки, ўша вақтда олди-сотди ишлари таъқиқланган эди. Бундай сақичларни отамдан яширинча, уйдагиларга билдирмасдан ўзим ҳам сотиб берганман. Мактабдаги устозларим билиб, бу тўғрида ота-онамга хабар беришганида отам роса койиб берган эдилар. Шу воқеадан сўнг улар билан алоқам узилди. Оила даврасида болалик қилиб қўшнимиз фарзандларининг қилаётган ишларини (чунки улар олди-сотди билан шуғулланиб пул топаётган эдилар) айтиб ўтирганимда: «Фарзандларим (оилада тўрт нафар ўғил бола эдик) пулга қизиқманглар, уларнинг (қўшни фарзандлар) ҳаёти ҳали яхши бўлмайди. Мени айтди дерсиз. Ўқинглар, билим олинглар, ёшликдан пулга қизиқманг, пулга муккасидан кетганларнинг кўпини кўрганман»,-деб отамиз бизга насиҳат қилар ва тарбия берар эди. Ойлар ва йиллар ўтди. Қўшнимизнинг фарзандлари ҳам улғайиб вояга етди. Эндиликда эса уларнинг қўлларида катта миқдордаги пуллар кўрина бошлади. Четдан келиб кетувчилар, тенгқурлари, дўст-биродарлари кундан-кунга орта бошлади. Бизлар қўшни бўлсакда, улар учун кўзга кўринмайдиган бўлиб қолдик. Лекин кейинчалик сохта дўстлар оила бошига мусибат тушганда улардан юз ўгиришди. Уйда ҳар ҳафта қилинган фойдалар ҳисобига ўтиришлар авжига чиқди. Бирин-кетин уч тўртталаб машиналар, ҳовли-жойлар бировларнинг номига сотиб олинди. Зиёфатлардан кейин гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш анъанага айланди. Бирин-кетин фарзандлар: ўғил ва қизлар оилали бўлиб, турмуш қуриб кетишди. Тўрт нафар фарзанднинг ҳар бири биттадан машина, биттадан ҳовли-жойга эга бўлишди. Йиллар шиддат билан ўтаверди. Эркатой фарзандлар ўз ота-оналарини бўлмаган гап-сўзлар учун ҳақоратлай бошлашди. Ҳаттоки катта фарзанд ўз онасига қўл кўтариб калтаклаган вақтлари ҳам бўлди. Ўз онаизорини кўкракларига тепиб, мушт билан ургани ҳали-ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Бир ўғли қўшни қизни уйига олиб кириб номусига тегиб, ваҳшийлик қилгани, қизнинг оила аъзолари эса ор-номусга чидай олмай, уйини сотиб кўчиб кетгани ҳали ҳам эсимда. Нақадар хунрезлик ва ваҳшийлик... Бундай ёмонликлар албатта жазосиз қолмаслиги йиллар ўтиши билан ҳаётда ўз исботини топди. Қарангки, йиллар ўтиши билан бу оила фарзандларининг қисмати таназзулга учрай бошлади. Уйлар ва машиналар ҳам бирин-кетин сотилди. Фақат падари бузруквори истиқомат қиладиган битта уй қолди холос. Фарзандлар шу уйга келиб қайтадан макон топишди. Гиёҳванд моддаларга ружў қўйганидан кейин ҳамма нарса сотиб тугатилди. Катта бу оилада фожиалар содир бўла бошлади. Дастлаб касаллик туфайли онаизори, ундан кейин фарзандлари доғида падари бузруквори бу фоний дунёни тарк этди. Иккита фарзанд гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб бевақт бирин-кетин ҳаётдан кўз юмди. Қолган икки нафари эса, содир қилган жиноят ва айблари бўйича озодликдан маҳрум этилиб, қамоқ жазосига хукм қилинди.




Ҳозирда саксонга яқинлашган падари бузрукворимизнинг ўша болалик йилларимизда бизга айтган гаплари тўғри бўлиб чиқди. Қўшнимиз оила аъзоларининг турли йўллар билан пул топиши натижасида охири катта бир оилага дарз кетди. Ҳа азизлар, бир оила қисмати шу тарзда фожиа билан якун топди.

**Ўктам ДЎСЧАНОВ,**
**Хоразм вилояти, Хонқа тумани,**
**Сарапаён қишлоғи.**

---

*Дил изҳори*

# БИРИНЧИ БАХТИМ — ОЛТИН ТАХТИМ

Касбим сабаб кўпинча ҳаётий воқеаларнинг гувоҳи бўламан. Қуйида ёзаётганим ҳам ана шундай тақдири кемтик аёлнинг қисмати билан йўғрилган воқеа. Янги ҳаёт бўсағасида турган қизларга сабоқ бўлар, деган умидда бир аёлнинг ушбу дил изҳорини диққатингизга ҳавола этмоқдаман.

"Маҳалланинг олд қизлариДан эдим. Ота-онам ҳам ҳамиша кўнглимга қараб ўстиришган. Кўз-очиб юмгунча мактабни ҳам, институтни ҳам тамомладим. Энди янги ҳаёт - турмуш қуриш кўндаланг турарди олдимда. Кўп йигитлар оғиз солган, аммо ҳеч бирига кўнглим чопмаган. Бирини ўпоқ, бошқасини сўпоқ, деб юрдим. Кейин эса оиламиз билан борди-келдиси бўлган бир хонадондан қўлимни сўраб келишди.

- Қиз боланинг нози бўлади! - деб бу гал ҳар қанча қайсарлик қилмай отам совчиларга розилик берди. Сизга ёлғон, ўзимга чин, ўшанда кўнглимдан кечган туйғуларни сўз билан ифодалай олмайман. Ахир бўлажак куёвга заррача ҳам юрагим чопмаса нима қилай? Аввалига ота-онамнинг раъйига қараб ўзимни кўниктирмоқчи бўлдим. Аммо ҳақиқатан ҳам кўнгил ишига буйруқ бериб бўлмас экан. Бахтли яшаётганларга нисбатан юлдузи-юлдузига тўғри келганда,- дейишгани бежиз эмас. Мен шу ҳақиқатни бугун бошим деворга урилгач, англагандекман. Менинг эса ана шу юлдузим порламай сўнгани энг катта йўқотиш. Бундан ортиғи...

Тўй куни белгиланди. Мен ҳамон ўз ўйларим исканжасидаман. Ҳеч кимнинг мени эшитгиси ҳам, тушунгиси ҳам келмайди. Ҳамма учун бир ақида муҳим: вақти ўтиб қолади қиз боланинг. Ўшанда агар отам "роль" ўйнамаганларида, эҳтимол менинг ҳаётим бу тахлит давом этмасмиди? Юрагини чангаллаб, ўзини "ўламан"га солган отамнинг ўша кунги ҳаракатлари кўз олдимдан кетмайди. Ҳатто ЗАГСга ҳам чиқмай ўтирганимда, атрофимдагилар ана шу "томоша"ни рўкач қилишди.

- Бирор кор-ҳол рўй берса, сен сабабчи бўлиб қоласан!

Амма-холаларимнинг шу тахлит таъқиблари ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Ўшанда жаҳл отига миниб, оқ либосни кийганман. Ҳамма учун қувончли бўлган ўша кун менинг юрагимга чироқ ёқса, ёришмасди. Никоҳ кечаси ёнимда турган куёвга ақалли бир бор қайрилиб қарамадим. У эса имкон қадар кўнглимни олишга, мени ранжитмасликка ҳаракат қиларди. Аммо зўрға ўтган кечадан сўнг, эртасига ҳарчанд уринмай, ўша хонадонда ўзимни сиғдиролмадим. Никоҳ кечасининг эртасигаёқ ота уйимга қайтиб кетдим. Сабаби эса битта - кўнглимга ёқмади. Шундан сўнг бутун гузарда мен ҳақимда турли гап тарқалди. Аммо мен учун барчаси аҳамиятсиз эди. Номимга доғ тушиб бўлган: эрдан чиқиб келди! Гарчи менга қўл теккизилмаган бўлса-да!

Бу гаплар узоқ давом этди. Кимдир менга жирканиш, яна бошқа биров нафрат билан қарарди. Барчасига қўл силтаб ишга кирдим. Ўзимни шундай овутиб яшашга кўниктирдим. Аммо қачонлардир қалбимга яқин бўлган инсонни учратишимга ишониб яшадим. Мансур ака билан танишганимда гўёки ана шу ишончларим ижобат бўлгандек туюлди. Унинг сўзлари меҳрли, нигоҳлари эса беғараз боқарди назаримда. Кўнглим хотиржам тортди. Кўнглимга яқин инсонни топгандек эдим. Ён-атрофдагиларим унинг феъл-атвори ҳақида огоҳлантиришганида ҳам қулоққа илмадим. Уларнинг бир куни ҳақ бўлиб чиқишлари хаёлимга ҳам келмаганди. Аммо...

Ҳаммаси ота-онам раъйимга қараб розилик бергач, тўй ўтиб бўлганидан сўнг бошланди. Аввалига гўёки бахтимни топгандек ҳис қилдим. Бироқ мен ҳақиқий бахт деб қўлидан тутганим ҳам сароб бўлиб чиқди.

- Чидасанг шу, бўлмаса тўрт томонинг қибла!

Бу унинг бошқа яна бир хуштори борлигини билганимдан сўнг қатъий айтган гапи. Жоним ҳалқумимга тиқилгудек бўлди. Ҳар қанча дод-вой қилганим ҳам энди бефойда. Негаки, ўзим пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзим ичишга мажбурман. Кейинчалик унинг яна бошқа "ҳунар"лари чиқди. Янги орттирган танишларини, албатта, уйга бошлаб келадиган бўлди. Мен эса унинг хизматида бўлишга мажбурман. Сабаби аллақачон фарзандим ҳам икки ёшга тўлиб улгурган. У билан ҳеч қаерга сиғмаслигимни билардим. Ота-онамга бу ҳақда айтиш елкамга замбилдек юк ортарди. Ахир, минг бор қаршилик қилишса-да, эътибор бермагандим ўшанда. Ташлаган қалтис қадамимнинг оқибатида минг оғриқлар билан тўлғониб яшашни ўзим чекимга туширгандекман гўё. Аммо энди буларни кеч англадим. Ахир ёшим 50 дан ошган. Мен ҳақиқий бахт деб билган турмуш ўртоғим эса қилган гуноҳлари азобида қовурилиб тўшакка михланган. Шунга айтсалар керак-да, «биринчи бахт олтин тахт»,-деб. Энди бари бефойда, ғишт қолипидан кўчган. Ҳаётимни шу тахлит яшадим. Агар енгиллик қилиб ўшанда илк бахтимни сақлаганимда бу азобларда тўлғонмасмидим?-деган ўй тинчимни ўғирлаган. Мен айни пайтда тўшакка михланган турмуш ўртоғимнинг хизматини қилаётганимдан оғринмайман. Фақатгина унинг хиёнатлари ҳар гал кўз ўнгимда гавдаланиб, кўнглимда унга нисбатан нафрат уйғотади. Буни ёзишимдан мақсад эса, ҳеч бир қиз мен каби бахти қаро бўлмасин».

**Барно МАДАЛИЕВА**

# ЁЗГИ МАЗАЛИ ПАРҲЕЗЛАР...



### ТАРВУЗЛИ ПАРҲЕЗ

Тарвузли парҳез жудда оддий бўлиб, кам овқат ва кўпроқ тарвуз истеъмол қилишингиз керак. Бир кунда 10 кило вазнингизга 1 кило тарвуз эти тўғри келади. Бунинг биринчи босқичи беш кун давом этади. Сўнг беш кун танаффус қилиниб, 10 кун давомида яна тарвуз билан парҳез қилинади.

**Тарвузли парҳез пайтидаги овқатланиш**

**Нонушта:** сули бўтқаси ва озгина пишлоқ,

**Тушлик:** балиқ, гўшт ва сабзавотли салат.

**Кечки овқат:** 30 вазнингизга 0,5 кило тарвуз эти.

**Натижаси:** тарвузли парҳез тана ва ичаклардаги хилтлар ҳамда ортиқча суюқликни чиқариб юбориши озишга сабаб бўлади.

**Зарарли хусусиятлари:** Тарвузли парҳез пайтида танангизга ҳам эътибор қаратинг.Биринчи кун ичаклар бўшашиши кузатилиши мумкин. Агар иккинчи куни ҳаммаси жойида бўлса беш кунлик парҳезни бемалол давом эттираверинг. Сўнг яна 10 кунлик тарвузли овқатланишга ўтинг.

### АНАНАСЛИ...

Ананаснинг таркибида энзим моддаси бўлиб, у ўз навбатида ёғни йўқ қилиш учун курашади. Бу усулда ҳафтада икки марта парҳез қилинади. Бунинг учун бир кунда икки кило ананас ва 1 литр ананас шарбати керак бўлади. Ананас тенг миқдорда тўртга бўлиб ичилади. Бошқа ҳеч нарса ейилмайди ва ичилмайди. Агар жуда оч қолган бўлсангиз, унда 100 грамм ёғсиз творог ейишингиз мумкин.

**Натижаси:** кунда - 1 кило, ҳафтада эса 2 кило оздиради.

Ушбу парҳез ошқозони касал кишиларга тавсия этилмайди. Ананасли парҳезнинг зарарли хусусияти сезилмаган.



### ГРЕЧИХАЛИ...

Бу парҳезда фақат гречиханинг ўзигина ейилади, холос. Бу ёрма тўқ тутиши билан бирга танани тозалайди ҳам. Хилтларни ва шу билан бирга ортиқча вазнни ҳам йўқотади. Гречихани тайёрлаш учун ярим банка гречиха устига тўлгунча қайноқ сув қуйиб қуйилади. Шишиб, тайёр бўлган гречихани ёғсиз кефир билан, озгина туз солиб, яхшиси тузсиз истеъмол қилиш мумкин. Ушбу парҳез икки ҳафтага мўлжалланган. Сув ўрнига газланмаган сув ичилади.

**Натижаси:** Бир кунда 500 грамм вазн



йўқотиб, танани темир моддаси билан тўйинтиради. Бу айниқса, камқонликдан азият чекадиган аёллар учун фойдалидир.

Зарарли хусусиятлари йўқ. Шундай бўлса-да, бу парҳезни бир ҳафтадан ортиқ давом эттирмаган маъқул. Акс ҳолда танани ниҳоятда сулайтириб қўяди.

### БРАЗИЛИЯЧА...

Ҳар куни истьеъмол қилинган тухум натижасида углеводлар миқдори камаяди. Ушбу парҳезни икки ҳафта давом эттириш мумкин.

**Биринчи икки кун давомида:** ҳар куни уч маҳалдан қаттиқ қилиб пиширилган тухум, бир донадан олма еб ва бир пиёла қаҳва ичилади.

**Учинчи кун:** эрталаб 2 дона тухум, бир бўлак мол гўшти, шпинат. Кечқурун эса бир дона тухум ва шпинат истеъмол қилинади.

**Тўртинчи кун:** эрталаб бир дона тухум. Тушликка қайнатилган балиқ ва помидор. Кечқурун 2 дона тухум ва бир пиёла қаҳва.

**Бешинчи кун:** эрталаб бир дона тухум, бир пиёла қаҳва.- Тушликка 2 дона тухум, помидор. Кечқурун қайнатилган балиқ, сиркали сабзавотлар ейилади.

**Олтинчи кун:** 1 дона тухум, бир пиёла қаҳва. Тушликка, бир бўлак мол гўшти ва бодринг. Кечқурун ёғсиз гўшт, помидор ва бир пиёла қаҳва.

**Еттинчи кун:** эрталаб бир дона тухум ва қаҳва. Тушликка яримта жўжа, сабзавотлар. Кечқурун жўжанинг ярми, олма қаҳва.

Кейинги ҳафтада эса яна шу тахлит давом эттирилади.

**Натижаси:** 14 кунлик парҳез давомида 4-5 кило озиш мумкин.

Тухумга аллергияси бўлган ёки жигар ва сийдик пуфаги касал кишиларга бу парҳез тавсия этилмайди.

**Зарарли хусусиятлари:** Айтишларича фақат тухум оқсили истеъмол қилиш тана учун зарарли.

### КАРТОШКАЛИ...

7-10 кун давомида сувда қайнатилган картошка истеъмол қилинади.

**Нонушта:** бир стакан сут.

**Тушликка:** 300 грамм картошка бўтқаси.

**Кечки овқатга:** картошкали салат, (250 грамм картошка), қаттиқ қилиб пиширлган 1 дона тухум, туз. сирка. ўсимлик ёғи. қора мурч.



**Натижаси:** Картошкадан жуда кам истеъмол қилинганда ҳам кишини тўқ тутади. Киши ўзини тўқ тутса-да, бу парҳезда кунига 500 граммдан озади.

Қанд касали билан оғриганларга бу парҳез тавсия этилмайди.

**Зарарли хусусиятлари:** Ушбу парҳез тўқ тутгани билан сабзавот ва мевалар истеъмол қилишга ўрганган танада витаминларга муҳтожлик сезилади. Шу боис витаминли таблеткалар истеъмол қилиб туриш лозим.

### ТУХУМЛИ ВА АСАЛЛИ...

Танани гўштли маҳсулотлар билан тўлдиргандан кўра уларни камроқ истеъмол қилган маъқул. Бироқ танани оқсиллардан маҳрум қилмаслик учун тухумли парҳез таклиф этилади.



Асал ҳамиша фойдали ҳисобланади. У модда алмаштириш жараёнини яхшилайди. Шунингдек, лимон ҳам антиоксидантлар бўлиб, ушбу парҳез давомида ҳар куни яримтадан лимон еб туриш тавсия этилади. Унинг шарбатини ичиш ёки бўлакларини ейиш мумкин.




**Биринчи кун.**

**Нонушта:** 2 дона тухум сариғи ва 1 чой қошиқ асал миксерда кўпиртирилади. Сўнг бир пиёла чой ёки лимон билан истеъмол қилинади.

**Тушлик:** 90 грамм пишлоқ, чой ёки қаҳва 1 чой қошиқ асал билан ейилади.

**Кечки овқат:** 1 пиёла шўрва, бир бўлак қора нон, олма ёки нок.Кечқурунга лимонли чой ичилади.

**Иккинчи кун.**

**Нонушта:** тухум ва асал кўпиртирилиб, чой ёки қаҳва билан лимон қўшиб ичилади.



**Тушлик:** асал билан тухум, 100 грамм творог, лимонли чой ёки қаҳва.

**Кечқурун:** 150 грамм балиқ ёки товуқ гўшти, озгина салат ва лимонли чой.

**Учинчи кун.**

**Нонушта:** тухум ва асал. Олма билан лимонли чой.

**Тушлик:** 50 грамм пишлоқ, озгина балиқ. 200 грамм салат ва лимон.

**Кечки овқат:** 300 грамм қайнатилган сабзавотлар. 1 дона тухум, 1 чой қошиқ асал солинган лимонли чой.

**Натижаси:** Бу парҳез тўғри давом эттирилса уч кун ичида 2- 2,5 кило озиш мумкин.

Парҳез ошқозони касал одамларга тавсия этилмайди. Чунки лимон ошқозон деворини зўриқтириб юборади.

Зарарли хусусиятлари йўқ.

# ИССИҚ УРГАНДА...

Ёзнинг жазирама кунларида тиқилинч автобусда кетаётган ёки шамоллатилмаган дим хонада ўтирган кишини иссиқ уриб, лоҳас қилиши табиий. Чунки, қуруқ, дим ҳаво ва кислород танқислиги натижасида тананинг ҳимоя қуввати камайиб, артериал қон босими бирдан тушиб кетади.

Бундай кунларда танада модда алмашинуви бузилади, айниқса қон босими, зиқнафас хасталиги бор кекса кишилар, шунингдек, ёш болалар жуда қийналишади. Иссиқ уриш тўсатдан бошланади. Киши ўзини ҳолсиз сезиб, қулоқлари шанғиллай бошлайди. Боши айланиб оғриқ бошланади, кўнгли айнийди. Терисининг ранги оқариб, совуқ тер чиқади. Иссиқ уришнинг оғир ҳолатларида беморнинг ҳарорати 40 градусгача кўтарилиб, кўнгил айниши қусишга айланади, хушдан кетиши ҳам мумкин.

Бу вақтда шифокорлар келгунча албатта тез ёрдам кўрсатиш лозим. Яъни, биринчи навбатда иссиқ урган киши сояга олиб ўтилади. Бошига бирор нарса қўйиб, суяб ўтқазинг. Ёқалари ва камари ечилади. Юзига сув пуркаб, боши ва кўкрагига ҳўл латта қўйилади. Агар у хушини йўқотмаган бўлса бир чой қошиқ тузли сувдан ичирилади. Мабодо қуёш урган киши хушини йўқотган бўлса озгина нашатир спиртидан хидлатинг. Агар бу ёрдам бермаса, беморни ҳўл чойшабга ўраб, дарҳол "Тез ёрдам!" чақиринг. Акс ҳолда унинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

➔ Иссиқ ҳавонинг қуруқлиги бурун катакларидаги намнинг қуриб қолиши натижасида кишининг бурни қонаб кетди, тиқиб қўйилади. Бурун умирчагига ҳўлланган рўмолча босилади. Агар топилса бурунга галазолин, нафтизин томизиб, бир нечта аскорбин таблеткасидан ичириш мумкин.

➔ Агар бурни қонаётган кишини, иссиқ уриб ҳам қўйган бўлса, унда кунига икки маҳалдан токоферол, (Е витамини) ичириш керак. Дарҳол стакан ичимлик содаси ёки крахмал қўшилган ванна тайёрланг. Совуқ кефир, бодринг, карам ва олма шарбатидан куйган жойга аста-секин сурилса тузатади. Ёки карам баргларини куйган тери устига ёпиштириш мумкин. Ундан чиққан совуқлик оғриқни йўқотиб жизиллашини йўқотади. Шуни ёдда тутингки, тери куйганда ҳеч қачон ўсимлик ёғи ёки таркибида ёғ бор кремлардан сура кўрманг.

➔ Иссиқ кунларда косметикадан умуман фойдаланманг. Баъзи атирлар ва бўёқлар терига қуёш нури таъсирини янада ошириб юборади. Чўмилишга боришдан олдин юзингизни совун, лосьон ва тониклар каби косметик воситалар билан тозаламанг. Бу билан терини қуёшда куйишдан сақлайдиган табиий ёғли қатламни йўқотиб ва тез куйишини таъминлаган бўласиз.

Шунингдек, терини куйишдан сақлайдиган кремни жуда қалин қилиб сурманг. Бу иссиқ алмашинувини бузади. Уни оз-оздан жуда зарурат туғилганда сурсангиз бўлади.

* * *

➔ Жазирама иссиқ кунлари эрталаб ва кечқурун қарама-қарши (контраст) душ қабул қилиш фойдалидир. Эрталабки душни совуқ сув билан ювиниш билан ниҳояланг. Кечқурунги душингиз эса илиқ сувли бўлсин.

Бош оғриғи, чарчоқ ва иссиқдан зўриқиб кетган бўлсангиз шифобахш гиёҳлардан ванна тайёрланг. Ваннага қулмоқ ғуддачалари (шишек хмеля), мойчечак (ромашка) гуллари ва бандлари дамламасини қўшинг.

Иссиқ кунларда кўпроқ сут-қатиқ маҳсулотлари, мевалар сабзавотлардан истеъмол қилинг. Ёғли маҳсулотлар билан ошқозонингизни ва танангизни зўриқтириб юборманг.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

# ХОТИРЖАМЛИК ФОРМУЛАСИ

**Руҳият сирлари**

***"Хотиржамлик сақланг, фақат хотиржамлик", дейди машҳур мультфильм қаҳрамони Карлсон. Аммо асабингизни бузадиган воқеа-ҳодисалар ҳар қадамда учраб турган бир пайтда хотиржамлик сақлаш осонми? Инсон салбий ҳаяжонлар гирдобига ботиб кетмасдан ўз туйғуларини бошқара оладими? Албатта, бунинг иложи бор! Ҳиссиёт ва ҳаяжонларни жиловлашнинг қатор усуллари, формулалари ишлаб чиқилган. Бугунги мавзумиз айнан шу ҳақда.***



### СЎЗДА КУЧ БОР

Одатда ҳиссиёт ва туйғуларни бошқара олмаслик, жиловлаб туролмаслик натижасида инсон жуда қиммат товон тўлашига тўғри келади. Албатта, бу ўринда моддий зарар ҳақида гап кетмаяпти. Биз бир-биримизни танқид қилганимизда, ёмон сўзлар билан ҳақоратлаганимизда оғзимиздан чиқаётган гапларга ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Одатда, қаҳр-ғазаб, ички ҳаяжон билан тўла сўзларни қалаштириб ташлаганимиздан сўнг олдинига "мен ҳақман, тўғри иш қилдим", деб ўзимизни оқлаймиз. Сал вақт ўтиб, ҳовурдан тушгач эса айбдорлик ҳисси пайдо бўлади. Энди биз ўзимизни ўша одам олдида гуноҳкордек сеза бошлаймиз. Мана шу туйғу ич-этимизни кемиради. Ушбу ички кураш инсон руҳиятидаги ижобий кучни, энергияни сиқиб чиқаради, холос. Оқибатда кўнгилда оғир юк, оғриқ қолади. Бундан ташқари қаҳр-ғазаб атрофдаги одамлар билан муносабатларни ҳам совуқлаштиради.

Ҳар бир сўзда, фикрда катта куч бор. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак. Сўз инсоннинг иккинчи сигнал тизимида маълум импульсларни юзага келтириши илмий асослаб берилган. Маълум бўлишича, бош мия қобиғидан келаётган ана шу импульслар тананинг ички аъзоларига таъсир этиб, уларнинг фаолиятини узоқ муддатга ўзгартириши мумкин экан. Инсон ўзининг ҳар қандай руҳий ҳолатини нутқ, маълум бир интилиш, ўз кучига ишонч ёрдамида ўзгартиришга қодир. Нейролингвистик дастурлаш ва аутоген машқлар айнан мана шу ҳолатга асосланади.

Худди спорт соҳасида бўлгани каби бу ерда ҳам маълум бир натижаларга эришиш учун тинимсиз машқлар зарур бўлади.

### СЕҲРЛИ СЎЗЛАР ЁРДАМИДА

Жанжалли ва можароли вазиятдан чиқиб кетишга ёрдам берадиган яна бир чалғитувчи восита ижобий руҳдаги жумлалардир. Уларни тинимсиз қайтариш билан сиз ўзингизни салбий ҳаяжон ва ҳиссиётлардан ҳимоя қиласиз.

Бунинг учун олдиндан турли салбий вазиятларда қўллаш мумкин бўлган жумлаларни тузиб чиқиб, уларни худди оят ва суралар каби ёдлаб олиш лозим. Шуниси муҳимки, жумлалар осон, ёдда сақлаб қолишга қулай ва албатта, шахсан сизгагина тегишли бўлиши керак.

Бу ҳолатда ҳам худди санаш сингари чуқур нафас олиб, жумлани ичингизда такрорлайсиз. Сўнг нафас чиқарасиз. Бу машқни кетма-кет бир неча марта такрорлаш зарур. Тўғри, олдинига айтаётган гапингизга ўзингиз ҳам ишонмаслигингиз мумкин, аммо мана шу ижобий ва умидбахш сўзлар руҳиятингизга аста-секин таъсир этиб, ҳимоя қобиғини яратади. Натижада сиз ўз хатти-ҳаракатингизни яхши томонга ўзгартириш ва жаҳлингизни жиловлаш имкониятига эга бўласиз.

**Қуйида мисол тариқасида бир нечта ана шундай жумлаларни келтириб ўтамиз:**

➔ Ҳозир мен ҳақимда ёмон фикрлар билдирилаётган бўлса-да, аслида бундай эмас. Уларга шошилмай, ҳаяжонланмай, ҳиссиётга берилмай жавоб қайтараман.

➔ Мен хотиржамликни йўқотмасам, вазиятни ҳам қўлдан чиқармайман. Бу эса мен учун жуда муҳим.

➔ Жаҳлим чиққани ўзимни босиб олиш кераклигига ишорадир. Жаҳл устида ҳар нима деганим билан бирор ижобий натижага эришишим гумон.

➔ Ҳозироқ жаҳлимни тизгинлаб, хотиржам бўлмасам, оқибати руҳий зўриқиш ва дипрессияга олиб келади.

### ПАСТ ОВОЗДА ГАПИРИНГ!

Одатда, паст, майин, мулойим овозда гапириш табиат инъоми, деб ҳисобланади. Бу қайсидир маънода тўғри фикр, аммо ҳар бир инсон ўзида паст овозда, лекин таъсирли қилиб гапириш қобилиятини шакллантира олишга қодир. Бу нарса можароли вазиятларни ўз фойдангизга ҳал этишингизда ҳам қўл келади.

Ҳеч эътибор қилганмисиз, паст, тиниқ ва равон овозда гапирадиган кишиларнинг юз-кўзида ҳар доим(ёхуд деярли ҳар доим) хотиржамлик акс этиб туради. Энг асосийси, бу шунчаки ниқоб эмас, балки улар табиатан шунақа. Доим хотиржам юрадиган инсонлар ҳаёт қийинчиликларини осонлик билан енгиб ўтадилар, ўзларига ҳам, атрофдагиларга ҳам ижобий муҳит ярата оладилар.

Айримлар гап товушда эмас, аксинча характерда, темпераментда, шу боис овозни ўзгартириш ўз услубини, ўзлигини ўзгартириш билан баробар, деб ҳисоблайдилар. Тўғри, ҳар кимнинг овози худди темпераменти каби ўзига хос, бошқаларникига ўхшамайди. Аммо нохуш вазиятларда овоз баландлиги ва тонини пасайтириш ниҳоятда фойдали. Чунки паст овозда ва сокин гапириб биз ўз жаҳлимизни жиловлаймиз. Бошқача айтганда, паст овоз танамиздаги, руҳиятимиздаги жаҳлдорлик, жиззакилик, уришқоқликни қўзғатувчи "жўмрак"ларни маҳкам ёпиб турувчи кучдир.

Бу фикримизни тасдиқловчи яна бир далилга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Аниқланишича, ҳиссиётга берилувчан, жаҳли бурнининг учида турадиган, жиззаки кишиларда инфарктга, юрак, қон-томир касалликларига мойиллик анча юқори бўлар экан. Одам баланд овозда, ҳаяжон билан ва тез гапирганда у тарқатаётган энергияда кучли руҳий ва асабий қувват бўлади. Гарчи унинг сўзлари ижобий маъноли бўлса-да, тингловчиларга ёқимсиз таъсир этиши мумкин.

### ШАРҚОНА ФАЛСАФА

Ҳар биримиз ҳаётда ҳеч бўлмаганда бир марта "Бошимиз айланиб кетди", "Ақлдан озиб қолишим ҳеч гап эмас", деган сўзларни ишлатганмиз. Одатда биз уларда маълум даражада бўрттириш бор, деб ҳисоблаймиз. Аслида эса бу сўзлар аксарият ҳолларда инсоннинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирар экан.

Мабодо ўзингиз сезмаган ҳолда овозингизни баландлатаётган, ўтирган жойингизда оёғингизни ликиллатиб турган, юқоридаги жумлаларни такрорлаётган бўлсангиз, билингки, ичингиздан жаҳл, қаҳр-ғазаб тўлиб тошиб келаяпти. Оддийгина машқлар ёрдамида уни сусайтириш мумкин. Натижада сиз уйдагиларингиз ва ҳамкасбларингиз билан бўлиши кутилган, аммо исталмаган можаролардан қутилиб қоласиз.

Қадимги Хитой ва Ҳиндистонда қўл бармоқларини махсус усулда қўшиш(бириктириш, чатиштириш)нинг шифобахш хусусиятини яхши билганлар ва амалиётда кенг қўллаганлар. Бундай машқлар туркуми "Мудралар" деб аталган. Масалан, "Билим" деб номланган мудра ёрдамида ҳиссий зўриқишни пасайтириш, жаҳлни жиловлаш мумкин. Бунинг учун маълум муддат бош ва кўрсаткич бармоқларнинг учларини бирлаштириб, доира ҳосил қилиб туриш керак(хориж киноларида қаҳрамонлар "о,кей!" деганда бармоқларини қандай кўрсатишини эсланг).

"Замин" деб аталадиган мудра ҳам сизга хотиржамлик, руҳий барқарорлик бериши тайин. У қуйидагича бажарилади: бош ва номсиз бармоқларнинг учлари сал қаттиқроқ босиб бирлаштирилади. Бир неча сония шундай турсангиз, руҳиятингизда ўзгариш сезасиз.

**Д. ИБРОҲИМОВ** тайёрлади.

### ЖАҲЛИНИ ЖИЛОВЛАГАН КУЧЛИДИР!

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар сафар бирор бир можароли вазият юзага келганда шаънимизга айтилган ножўя сўзларга худди шу тарзда жавоб қайтаришга ошиқамиз. Тўғри, ҳамма ҳам ўзини хафа қилдириб қўйишни истамайди. Аммо жаҳлга жаҳл билан жавоб бериш ярамайди. Қадимги файласуфлар айтишганидек: "Жаҳлини жиловлай олган инсон энг кучлидир!" Жаҳлни жиловлашга эса оддий қоидалар ёрдам беради. Аксарият араб қавмларида бунинг учун ўнгача санашади. Бу оддий ва жуда маъқул йўл. Умуман, санаш асабни тинчлантириши қадимдан маълум. Фақат санаш чоғида нафас олишга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Яъни бирор нарсадан жаҳлингиз чиқа бошлаганини сезсангиз, чуқур нафас олиб, ичингизда "бир" денг. Сўнг тўлиқ нафас чиқариб, мушакларингизни бўшаштиринг. Худди шу тарзда ўнгача санаш керак. Агар шунда ҳам жаҳлдан тушмаганингизни ҳис этсангиз, саноқни 25 гача давом эттиринг. Бундай машқ сўнгида ўзингизни енгил ва хотиржам ҳис этишингиз тайин.

Асабни тинчлантиришнинг мусулмон мамлакатларида кенг қўлланиладиган, бугунги кунда эса бошқа ўлкаларда ҳам урф бўлиб бораётган усулларидан яна бири тасбеҳ ўгиришдир.

Қуйидаги машқлар ҳам хотиржамликка эришишда сизга ёрдам беради.

➔ Қўлларингиз билан худди бармоқларингизга ёпишиб қолган бирор нарсани тушириб ташламоқчидай силтама ҳаракатлар қилиб, "Пху!" ёки "Бху!" деган сўзларни айтиш керак.

➔ Оёқ учида туриб қўлларни баланд кўтарганча овоз чиқариб "Э-э-э-э!" дейиш лозим.

➔ Бирор нарсадан жаҳлингиз чиқса, "Боксчи бола" деб номланган машқни бажаринг. Яъни оёқларни елка кенглигида очиб, кўкракни сал олдинга кериб, қўллар билан бокс тушаётгандай ҳаракат қиласиз. Ҳар сафар қўл билан зарба берганингизда тишларингиз орасидан "Хо!" деган товуш чиқаринг.

Машқларни ичингиздан уларни бажаришга истак йўқолмагунча давом эттиришингиз зарур. Шундагина улар кутилган самарани беради.

## Қайда ўзи ўша бахт?

**348** **Ёшим 52 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Оилани моддий томондан таъминлай оламан. Оғир-вазмин феълли, жиддий инсонман. 45 ёшгача бўлган, уй жойли, бефарзанд ёки фарзандларидан қутилган, оқила аёлга уйланиш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдурашид**

**349** **Ёшим 34 да.** Олмалиқданман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Бир ўғилчам бор . Келишган, хушрўй аёлман. Ишлайман. Уйим бор. 40ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, баланд бўйли, ишлайдиган жиддий ва кўркам эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилнавоз**

**350** **Ёшим 27да.** Турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. Мўмина қизман. 35 ёшгача бўлган, уй-жойли, олижаноб, иймонли эркак билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нилуфар**

**351** **45 ёшдаман.** Асли тошкентликман. Уй-жойим бор. Ишлайман. Оилани моддий таъминлай оламан. 40 ёшгача (қаердан бўлишининг фарқи йўқ) бўлган, бир кичик боласи бўлса майли, аёл билан танишиб, оила қуриш орзусидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Саттор**

**352** Сирдарёликман. **Ёшим 45 да.** Олий маълумотлиман. Касбим шифокор. Оғир-вазмин, хушчақчақ, (бўйим 190) тошкентлик, ўзининг уй-жойи бўлган, ажрашган, олий маълумотли, 40 ёшгача бўлган аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Давронбек**

**353** **Ёшим 35 да.** Ажрашганман. Бир қизчам бор. Ҳозир ота-онам билан яшайман. 40 ёшгача бўлган, уй-жойли, меҳрибон, эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ўғилой**

**354** **Ёшим 64 да.** Зангиоталикман. Пенсиядаман. Уй-жойим етарли. Фарзандларимдан қутулганман. 60 ёшгача бўлган, ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Йўлдош ота**

**355** **Ёшим 27 да.** Тошкентликман. Ажрашганман. Уйим бор. 25 ёшгача бўлган, тошкентлик, ақлли-хушли қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Жасур**

**356** **Ёшим 25 да.** Ажрашганман. Олий маълумотлиман. Фарзандим йўқ. 30 ёшгача бўлган, ажрашган ёки уйланмаган йигитга турмушга чиқиб, ширин оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулбаҳор**

**357** **Ёшим 37 да.** Ажрашганман. Ишлайман. (Бўйим 165 см). Оилани боқа оламан, 35 ёшгача бўлган, уй жойли, (бир кичик боласи бўлса майли ёки бефарзанд) аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Мўминжон**

**358** **Ёшим 45 да.** Асли хоразмликман. Қибрайда яшайман. Ажрашганман. Ўз ҳовли-жойим бор. Ёлғиз яшайман. Яхши жойда ишлайман. Оилани моддий томондан таъминлайман. 40 ёшгача бўлган, бефарзанд ёки турмушга чиқмаган (иложи бўлса хоразмлик) аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Отабек ака**

**359** Асли тошкентликмиз. **26 ёшли** қизим бор. Турмушга чиқмаган. Давлат ишида ишлайди. Ақлли, одобли. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, тошкентлик, уй-жойли эркак бўлса узатардик.

**Манзилим таҳририятда.**

**Мадина**

**360** Асли тошкентликмиз. **31 ёшли** ўғлим бор. Уйланмаган. Давлат ишида ишлайди, жуда келишган йигит. Тошкентлик 26 ёшгача бўлган, ақлли, оқила қиз бўлса уйлантирган бўлардик.

**Манзилим таҳририятда.**

**Вилоят опа**

**361** **Ёшим 42 да.** Асли тошкентликмиз. Нуфузли ташкилотда ишлайман. 36 ёшгача бўлган, (бир қизчаси бўлса майли, қаердан бўлишининг фарқи йўқ) иболи, чинакам бахтли оила бекаси бўлишни истайдиган, уй-жойли, ораста аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Маҳмуд**

**362** **Ёшим 48 да.** Ажрашганман. Тошкентда яшайман. Уйланмаган бир ўғлим бор. 55 ёшгача бўлган, ишлайдиган, уй-жойли, тошкентлик киши билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нодира**

**363** **Ёшим 33да.** Ажрашганман. Асли Бухороданман. Икки нафар фарзандим бор. Оилани моддий томондан таъминлай оламан. 40 ёшгача бўлган, Тошкентда яшайдиган, болаларимга ота меҳрини бера оладиган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шоҳсанам**

**364** **Ёшим 24 да.** Ажрашганман. Олий маълумотли шифокорман. 4 ойлик ўғилчам бор. Ҳозир ота-онамникида яшайман. 30-32 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган, жиддий, фарзандимга ота бўла оладиган эркакка турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилдора**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

**365** - **Ёшим 62 да.** Исмим Субҳонқул. Тошкент вилоятидан келганман. Болаларинг кичик пайтида яхши экан, лекин улғайиб ўз йўлини топиб кетгандан сўнг, гапингни ҳам ўйлаб айтаркансан, - дея гап бошлади оппоқ сочу соқоли ўзига ярашиб тушган отахон.

**- Келинг, хизмат? - дея мулозамат қиларканман, отахоннинг қўл телефони жиринглаб қолиб йўлакка чиқиб кетди. Нималарнидир гапира-гапира, ниҳоят у хонага кириб келди.**

- Узр, болалар ёғоч-тахта олишга келишганди. «Бориб кўриб, танлаб бермасангиз бўлмайди», - дейишаяпти. Кейинроқ боришимни айтдим уларга.

**- Бу ерга нега келганингизни айтмадингиз-ку!**

- Ҳа-я, эсим қурсин. Шу кекса одам бундай даргоҳларга нега келарди, дейсиз. Ёлғизлик-да... Худога шукр, болаларим бор. Ҳаммасини уй-жойли қилиб тинчиганимда, кампирим қазо қилди. Бир тўда ёшларнинг орасида қолиб кетдим. Уларнинг гап-сўзи, ейиш-ичиши бошқа, меники бошқа. Шукр, келиним ҳам, ўғлим ҳам ёмон эмас, лекин...

**- Кўнглингизни оғритишдими?**

- Йўқ. Бундай десам Оллоҳга ҳам хуш келмайди. Жуда кўнглимга қарашади. Аммо, мен шўрва, мастава каби овқатларни хуш кўраман. Уйда эса кунда ош, манти, кабобми-ей...Шунга ўхшаш овқатларни тайёрлашади. Ё менинг кексалигимни унутишармикан? Ишқилиб бундай кучли таомларни ея олмайман. Бизга ўхшаганларга бир чимдимгина кўнгилга ёқадиган овқат бўлса бас-да. Бунинг устига келин ҳам серуруғ, ўғлимнинг ёр-дўстлари кўп. Шукр. Лекин кунда меҳмоннавозлик, баланд қилиб қўйилган музика одамни чарчатиб юборар экан-да. Уларнинг кўнглига қараб тўрда шўппайиб ўтираман. Менинг соғлиғим учун эса тинмай қадаҳ кўтаришади. Мен ахир намозхон бўлсам...Кўчага иш билан чиқиб кетсам ҳам қайтишда эшикни тақиллатиб кираман. Ахир келин бор-да.

Катта ўғлим менга кичиккина бир ҳовли олиб берганди. Бирор муштипар аёл бўлса-ю, шу уйга кўчиб чиқиб тинчгина яшасам,- дейман.

***Субҳонқул ота ўз ҳаётидан кўп воқеаларни айтиб берди. Сўнг: «Айтгандек, мени тахта бозорда кутишаётганди-я!», дея қўзғалди. Чиндан ҳам кексалар тинчликни, осойишталикни хуш кўришади. Лекин ёлғизликни эмас. Эҳтимол, Субҳонқул отага муносиб бирор аёл бордир? Отахоннинг манзили таҳририятда.***

* * *

# МУШТОҚ КЎНГИЛЛАР...



**366** - **Ёшим 30 да.** Исмим Наргиза. Самарқанд вилоятидан келдим. Дардимни айтгани яқин инсон топа олмадим, - дея гап бошлади йиғлагани кўзларидан билиниб турган қиз.

**- Нега энди, ака-ука, опа-сингилларингиз йўқми?**

-Бор, лекин ана шуларни деб умрим ўтди. Улар эса...

**- Уларни деб? Нима учун?**

- Мактабни битирганимдан бошлаб нон ёпиб сота бошладим. Шу касбим орқали оиламиз муҳтожлик нималигини билмади. Тўйларга кўплаб буюртмалар олардим. Қош-кипригимни куйдириб ёпган нонларимнинг пулига укаларим бирин-кетин данғиллама тўйлар қилиб уйланишди. Шу қилганларим учун энди афсусдаман.

**- Укаларингиз жигарларингиз-ку, нега ундай дейсиз?**

- Чунки ўша жигарларимдан бири куни кеча хотинининг гапига кириб мени урди. Энди мен ортиқча бўлибман ўша уйда.

**- Ота-онангиз борми? Улар нима дейишаяпти?**

- Менга ачинишади. Лекин улар ҳам кексайиб қолишган. Укаларимнинг қўлига қарашади-да. Бизни аҳил бўлишга ундашиб, насиҳат қилишади.

**- Энди нима қилмоқчисиз?**

- Ўтиб кетган умримга ачинаман. Балки мен ҳам оиламизни ўйламасдан турмушга чиқиб кетганимда укаларимга ўхшаб бир-иккита фарзандлик бўлармидим? Мен ҳам бир яхши инсон билан оила қуриб, она бўлишни орзу қиламан. Балки менга ўхшаб бахт излаган эркаклар бордир?

***Бу меҳнаткаш қиз билан танишиб оила қуришни истаган эркаклар учун унинг манзили таҳририятда.***

**Басира тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси,**
**1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 732. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11066
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Б. САЙДАЛИЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
2 3 4 5 6